

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 16-dekabr • №51 (4138)


Носир ФОЗИЛОВ, Давлат мукофоти лауреати

## ОИЛА — МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Адиб ва жамият

Ўз ишингизни чин дилдан, астойдил адо этиб юрсангиз, албатта, эл-юрт назарига тушиб, эътибор топар экансиз. "Топдиму йўқотмадим" китобим учун мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида Давлат мукофотига сазовор бўлдим.

Мен учун ана шундай қувончли кунларда Президентимизнинг мамлакатимиз конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасини зўр қониқиш билан телевизор орқали эшитдим. Эртаси куни маъруза матнини "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасидан синчиклаб ўқиб чиқдим. Шубҳасиз, Бош қомусимиз янги ҳаётимизда беқиёс аҳамиятга эга.

Элимизда бўлаётган ишлар, қурилаётган иморатлар, солинаётган равон йўллар, коллежлар, анжуман саройлари, "Маърифат маркази" — кутубхона биноси, темир йўллар... — буларнинг ҳаммаси бизнинг ютуғимиз.

Янги 2012 йил "Мустаҳкам оила" йили деб эълон қилинди. Оилага бу даражадаги эътибор ҳаммамизни қувонтирди. Чунки биз ўзбеклар оилапарвар халқмиз. Ота-боболаримиз ҳам оилани муқаддас санаб келишган. Давлатни бир бутун занжир деб тасаввур этсак, унинг кичкина битта халқаси оила ҳисобланади. Агар шу халқа узилса, бутун бошли занжир битта халқага қисқаради деган гап. Йигит кишининг оилада тинчи бўлмаса, кўчада ҳам тинчи бўлмайди. Ўз ватанида обрўси ҳаминқадар бўлса, ташқарига чиқиб обрў қидириш беҳуда гап. Юртбошимизнинг маърузасида бу гаплар жуда қиёмига етказиб айтилган: "Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажакни ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди". Оиланинг жамиятдаги аҳамияти ҳақида бундан орттириб бирон гап айтиш амримаҳол.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллигимизнинг ўтган йигирма йили ичида юртбошимиз нимаики деган бўлса, анжуманларда қандай маъруза қилган бўлса уларнинг маъно-мазмуни, моҳияти оила мустаҳкамлигига, эл-юрт фаровонлиги, Ватан тинчлигига бориб тақалган. Фақат шуни таъкидламоқчимизки, ҳар бир йил номланишининг ўзидаёқ юқорида айтган фикримиз тасдиғини топади. Масалан, 1997 йил Инсон манфаатлари йили, 1998 йил Оила йили, 1999 йил Аёллар йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Оналар ва болалар йили... ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасида оила мустаҳкамлиги, инсон манфаатлари кўзда тутилган. Ва ҳатто юртимизнинг хушманзара майдонларига қўйилган маҳобатли ҳайкалларда ҳам шу маъно-мақсад кўзланган.

Мана шу мақсад-муддаоларнинг ҳаммаси жам бўлиб юртимизда истиқомат қилувчи барча оилаларнинг бугунию келажагини мустаҳкам қилишга қаратилгандир. Шукрлар бўлсинким, агар оила жамиятимизнинг пойдевори бўладиган бўлса, демак у мустаҳкамдир.

"Мустаҳкам оила йили"да биз, ёзувчиларнинг вазифаси нимадан иборат? Оилани мустаҳкамлашга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоғи лозим?", деган табиий бир савол туғилади. Авваламбор, шу пайтгача ёзилган асарларда у ёки бу даражада оила масалаларига эътибор қилмаган ёзувчининг ўзи йўқ. Устоз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, "Ёзувчилик — инсоншуносликдир". Инсон борки, оила бор. Ана шу оила аъзоларининг юриш-туриши, феъл-атвори, орзу-армонларини бадиий асарларда жонли акс эттириш ҳар бир ёзувчининг бош вазифасидир. Халқимизда "Эллик йилда эл янги" деган нақл бор. Биз қанча даврларни босиб ўтдик. Шукрки, мустақиллик даврига ҳам етдик ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб турибмиз. Давр ўзгариши билан, табиийки, инсонларнинг дунёқарашлари, онг ва фикрлари ҳам ўзгаради. Мана йигирма йилдирки, биз янги бир мустақил замонда яшаяпмиз. Сўзсиз бу даврда одамларимизнинг тушунчаларию дунёқарашлари ўзгаряпти. Модомики, ёзувчилик инсоншуносликдан иборат экан, биз билан бирга шу мамлакатда яшаётган юртдошларимизнинг янгича орзу-умидларини, ниятларини асарларда очиб бериш шубҳасиз ёзувчиларимизнинг зиммасига тушади. Шу маънода биз ўз халқимиздан қарздор, ўз ҳукуматимиз олдида бурчдор эканимизни ҳамиша эсда тутишимиз лозим бўлади.

## ЁШЛАР АНЖУМАНИ



Асқар ЁКУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Ижод» жамоат фонди томонидан ҳам бу борада кўплаб эътиборга лойиқ тадбирлар амалга оширилаяпти. «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида ёш ижодкорларнинг илк тўпламлари кўп нусхада чоп этилиб, таълим муассасаларига бепул тарқатилаётгани, уларнинг энг яхши шеър, ҳикоя, бадиий публицистика, таржима ва адабиётшуносликка оид дастлабки изланишлари баёз шаклида нашр қилингани, «Дўрмон» ижод уйида ёш истеъдодларнинг республика семинарлари анъанавий тарзда ўтказилаётгани ана шундай тадбирлар сирасига киради.

> **Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Истеъдод мактаби

Айни кунларда «Дўрмон» ижод уйида ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» II Республика семинари ўтказилмоқда. Семинарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан таклиф этилган 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган қирқ нафарга яқин ижодкорлар наср, назм, бадиий таржима ҳамда адабий танқидчилик йўналишлари бўйича ўз ижодий ишлари билан иштирок этишмоқда. Анжуман давомида ёшлар ушбу йўналишлар бўйича таниқли адиблар, таржимонлар ва олимлар билан бевосита учрашиб, улардан ижодий сабоқлар олишяпти. 13-17 декабр кунларига мўлжалланган мазкур анжуман кўплаб ноёб истеъдод соҳибларини кашф этиши шубҳасиз. Ўтказилаёттан ўқув ва амалий машғулотлар, адабий гурунглар шундан далолат бериб турибди.



Семинар иштирокчилари учун турли қизиқарли тадбирлар ташкил этилган. Жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Жаҳон адабиёти» журналлари таҳририятлари ходимлари билан учрашувлар, ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари Абдулла Қаҳҳор ва Ғафур Ғулом уй-музейларига ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига уюштириладиган саёҳатлар ёш ижодкорларга ўзига хос илҳом бағишлайди.

Тадбирни очар экан, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Иқбол Мирзо шундай деди:

— Ушбу семинарни ташкил этишдан асосий мақсад, аввало, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, адабий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, бугунги ўзбек ва жаҳон адабиётида кечаётган жараёнларни таҳлил этиш, ёш истеъдодларнинг адабиёт майдонига дадил қадам қўйишларига кенг йўл очишдир.

Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов юртимизнинг турли гўшаларидан келган ёшларга ижодий муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, халқ шоири Сирожиддин Саййид, атоқли таржимон, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров анжуманнинг ёш ижодкорлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Лойиҳанинг юксак савияда ўтказилишини таъминлаш учун семинар ишига элликдан ортиқ устоз ижодкорлар таклиф этилган. Улар ёш истеъдодларнинг ижодини кўздан кечириб, интилишларини баҳолаб борадилар. Семинар якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилади.

**У.АБДУРАЖАБОВ**

## САЛОМАТЛИК УМР ЗИЙНАТИ

### Гўзал оилалар

Муносабат

Ишдан кечроқ чиқдим.

Кўп қаватли уйлар ёнидаги йўлакчадан юриб борарканман, чироқ шуъласи тушиб турган сарғиш деразалар диққатимни тортади. Улар шу қадар кўпки... беихтиёр одам ўзини хотиржам ҳис этади.

... Бир вақтлар қўшнимиз Собир амаки хуноб бўлиб уйимизга чиққани, онамга дардини айтаётиб "уйим зимистон – кўнглим зимистон" деган ажабтовур гапи ёдимга тушади.

— Опа, синглингиз мендан аразлаб болалари билан отасиникига кетганигаям бир ҳафта бўлди. Ишдан келиб қоронғу уйга киришдан юрагим безиллайди. Эркак бошим билан қайнотам эшигида довдираб юрмайин, иккимиз бирга бориб синглингизни олиб келайлик, хўп денг.

Эртасига кечқурун қўшнимизнинг ҳовлиси чароғон бўлди. Алламаҳалгача уй ичидан болаларнинг жарангдор кулгуси эшитилиб турди. "Хайрият", дея пичирлади онам. Биз ҳам шу кичкина янгиликдан ўзимизча севиндик.

Ўшандан бери чироғи ёниқ деразаларга кўзим тушса негадир енгил тортаман...

Оила бор экан, ҳаёт бор, фарзанд бор, умрлар давомийлиги – келажак бор. Бу ҳақиқат аслида кўҳна дунёнинг ҳикмати.

Давлатимиз раҳбари катта минбардан туриб келаётган йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилганларида мана шу ҳикмат ҳар лаҳзада, ҳар қалбда садо бериб туришига ишониб, ҳар қадамда инсонларни оиласидан куч-қувват олишга, унга суяниб ва унга суянч бўлиб яшашга ундаган бўлсалар ажаб эмас.

Менинг назаримда, деразаларидан чироқ порлаб турадиган, иқлими соз, муҳити соғлом оила аслида гўзалдир. Чунки бундай гўшада яшайдиганларнинг чеҳрасидан нур ёғилади, ўзлари кўркам, фикрлари чиройли, қадамлари ўктам бўлади. Зеро, мана шундай гўзал оилалар юртимизда жуда-жуда кўп!

Давоми иккинчи саҳифада.

## КЎНГИЛ МУЛКИНИ ОБОД ЭТИБ...

Ёзувчилар уюшмасида

Адабиёт — бир бўстон. Бу бўстонда гул кўп, чаман кўп. Ижод аҳлининг табиатдан завқу шавқ олиб, кўнгилдаги туйғуларини гўзал сатрларга тизиб тақдим этган ашъорлари ана шу бўстондаги чечаклар мисоли ифор таратади. Шу тариқа кўнгил мулки адабиёт мулкига айланиб бораверади. Бу бўстонни тоза гуллар билан тўлдириш, Ватан манзараларини, халқнинг буюк ўтмиши, бугунги интилишлари, келажакдаги орзу-истакларини, ўзига хос фазилатларини, юртга, одамларга муҳаббат туйғуларини тараннум этиш ижодкордан алоҳида маҳорат, меҳнат ва тафаккурни талаб қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгашининг навбатдаги йиғинида бугунги кунда шеъриятимизда кўзга ташланаётган дадил интилишлар, миллийлик ва замонавийликка хос янгиликлар ҳақида ижодкорлар ўзаро фикр алмашдилар. Тадбирда иқтидорли шоир Зикрилла Неъматнинг яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида нашрдан чиққан "Онам эккан райҳонлар" номли сайланма китобининг тақдимоти ва шоир билан учрашув бўлди. Таниқли шоирлар, адиблар, адабиётшунослар ҳамда ёш шеърият ихлосмандлари иштирок этган ушбу тадбирда шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари, янги китобидан жой олган бир қатор шеърларининг мазмундорлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Буюк истиқлол миллий адабиётимизга кенг майдонни очиб берди. Ҳақиқий истеъдоди, ўз фикри ва айтар сўзи бор ижодкорлар бундан катта руҳ олдилар, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. — Зикрилла Неъмат ҳам истиқлолдан илҳом олиб қалами чархланган ижодкорларимиздан биридир. Шу йиллар ичида унинг ўнга яқин шеърий тўпламлари чоп этилди. У назмнинг мураккаб жанри бўлган арузда ҳам ижод қилади. Бир қатор шеъру ғазаллари хонандалар томонидан куйланмоқда. Бу, албатта, унинг шеърларини китобхонлар оммаси ижобий қабул қилаётганидан дарак беради.

Шоирнинг янги китобидан Ватанга, бурчга садоқат, меҳру муҳаббат, инсонийлик туйғулари тараннум этилган шеър, ғазал, мухаммаслар, баллада, достон ва таржималар ўрин олган. Мазкур асарларда мустақиллик шарофати билан қайта тикланган миллий урф-одат ва анъаналаримиз, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган аҳиллик, бағрикенглик, оққўнгиллик сингари олижаноб фазилатлар, Ватан тақдири, келажагига дахлдорлик туйғулари ўзига хос оҳангда куйланади.

**Шеър эмасдур,**
**эл дилин шод этмаса,**
**Бир кўнгил мулкини**
**обод этмаса, —**

деб ёзади шоир бир шеърида. Дарҳақиқат, шоирнинг асл ижодкорлиги ёзган шеърларининг миқдори билан эмас, ҳис-туйғуга йўғрилганлиги ва ўқувчи кўнглига сингий олиши билан белгиланади. Зикрилла Неъмат шеърлари китобхонлар кўнглидан жой олаётган шоирдир. Тадбирда иштирок этган Омон Мухтор, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Икром Отамурод, Саъдулла Ҳаким, Қозоқбой Йўлдошев, Ислом Ёқубов каби шоир ва адиблар ҳамда адабиётшунос олимлар шоир ижодининг эътиборли жиҳатлари ҳақида гапирдилар.

**Уйғун РЎЗИЕВ**

## ТЎЙ ТЎЙДАЙ БЎЛСИН

Куюнчак газетхондан мактуб

Ҳаётимиз борган сайин гўзаллашиб боряпти. Бу гўзаллик эл-юрт ободончилигида, турмуш тўкинлигида, ҳашаматли иморатларда, кийинишда, тўй-ҳашамларимизда ҳам акс этяпти. Илгари ҳовли-хонадонларда тўй қилиш учун узоқ тайёргарлик кўриларди, ташвиши ҳам шунга яраша эди. Ҳозир бир-биридан ҳашаматли тўйхоналар бор. Уларда аслзодаларга хос виқор билан меҳмонларни кутаверасиз. Гард тегмаган оппоқ шоҳи дастурхонлар, ипак матолар қопланган антиқа стуллар. Дастурхонларнинг безатилиши-ку, санъат асари даражасида. Кўз қувнайди. Бир тўйхонада келин-куёв тушган лимузин нақ базм залининг ичига – меҳмонлар олдигача кириб борар экан. Ҳашаматни қаранг! Бунга кимларнингдир қурби етади, етмаганлари эса... бор имкониятларини ишга солиб, астойдил ҳаракат қиладилар. Ҳозир тўйдаги одамларнинг савлати худди "Титаник"даги киборлар даврасини эслатади. Баъзан ташқи гўзаллик билан тўйларнинг асл моҳияти ўртасида зиддиятлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Назаримда, айрим қусурларимиз тўйдаги ҳашамат ва "замонавийлик"ка сира мос тушмайди. Шуларнинг баъзилари ҳақида тўхталмоқчиман:

Нега санъаткорларнинг тўйдаги мусиқаси қулоқни ёргудек баланд бўлади? Ёнингиздаги одамнинг овозини эшитмайсиз. Оғзи қимирлаганини кўрасиз, холос. Нега шундай? Чунки, шунга яраша талаб бор. "Мухлислар" пастроқ овозлардан завқ ололмайдилар! Эътибор берсангиз, базм бошланишида тўкин столлар атрофидаги меҳмонлар анчагина сипо бўладилар. Яъни, қимтинган, бироз жиддий, хўмрайган қиёфада. Давра очилиб, дастлабки қадаҳлар бўшатилгач, чеҳралар бироз ёришади, гап-гапга қовушади. Бироздан сўнг тўйхона бамисоли қайнаган қозондек шовқинга тўлади: ҳамма баравар гапираётганга ўхшайди. Худди шу пайтда ҳалиги баланд мусиқа керак бўлади-да! Бундай даврада майин миллий мусиқани тинглаб, ҳузурланишнинг имкони йўқ.

Эътибор берганмисиз, тўйда бирорта мумтоз ашула айтган хонанда, ниҳоят "Энди навбат шўх қўшиқларга, қани ҳамма даврага!", дея тантана билан эълон қилади. Вулқондек гумбурлаётган мусиқа нақ юрагингизга урилиб, акс-садо бера бошлайди. Қон чайқала-чайқала, охири мавжланиб кўпирадию ғайритабиий мастликка ўхшаш ҳолатга тушасиз (ичга кирган алкогол ҳам ўз ишини бошлайди, албатта). Мана энди, чарх уриб рақсга тушсангиз ҳам, ирғишлаб шох ташласангиз ҳам бўлади! Қўшиқнинг мазмуни билан ишимиз йўқ – барибир тушуниш қийин. Асосийси – гумбура-гумбур оҳанг, муқомлар! Қўллар беихтиёр ҳамёнларга узалади. Турнақатор бўлиб, даврадагиларга пул қистирилади. Сахийлик роса авжига чиқади-да ўзиям! Ўзбекона сахийлик! Нега десангиз, Европаю америкалик миллионерларнинг ҳам қўлидан келмайди бундай ҳотамтойлик! Биз эса оддийгина одамлармиз. Ана шунақа. Афсуски, ҳанузгача тўйларда пул қистириш "удуми" қандай мазмун-моҳият англатишини тушунмадим. Худди концертда санъаткорга қўшиқнинг қоқ ўртасида гул олиб чиқишгани, куйлаётган ҳофизнинг қулоғига алланималарни гапиришлари, концерт тугагач, қўшиқчи саҳнадан чиқмай туриб, "томошабин"лар ўзларини эшикларга гурра уришларини тушунмаганим каби.

Ҳозир тўйларда ғалати одатлар пайдо бўлган: ароқ ичиш учун албатта стол атрофида ўтиришингиз шарт эмас. Даврада юрасизми, санъаткорлар ёнидамисиз — хуллас, ҳар жойда қадаҳлар терилган патнис кўтарган хизматчилар ҳозиру-нозир! Ҳеч уринмасдан, рўпарангизда маҳтал бўлиб турган қадаҳлардан бирини оласиз-у, "ғилт" этиб бўшатасиз. Ҳатто, "қадаҳ бўшатиш баҳси"да ғолиб бўлишингиз ҳам мумкин (шундай "мусобақа"ни ҳам кўрганмиз). Шунда ўзингизни кам деганда инглиз лорди каби ҳис этасиз (ҳеч бўлмаганда, тўйнинг охиригача).

Одамларимиз қалбида улуғворлик, тўкин тантана-шодиёналарга мойиллик борлиги яхши. Бироқ ҳамма нарсанинг меъёри, тартиб-интизоми бўлиши зарур эмасми? Биз баъзи тўйлардаги бачкана одатларимиз орқали ўз фарзандларимизга, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига қандай маданиятни сингдираётганимиз, уларга қандай ибрат бўлаётганимиз ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз зарур.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,**
**журналист**

4,6

### Билдириш

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгаши шу йилнинг 22 декабр, пайшанба куни соат 11.00 да таниқли шоира Шарифа Салимованинг "Ватан сурати" китоби тақдимоти доирасида ижодий учрашув ўтказади. Учрашувга шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, шеърият мухлислари ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгаши шу йилнинг 23 декабр, жума куни соат 11.00да Амирқул Каримнинг "Шабнам тераётган қуёш" китоби тақдимоти доирасида ижодий учрашув ўтказади. Учрашувга шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, шеърият мухлислари ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашида шу йилнинг 27 декабр, сешанба куни соат 11.00 да таниқли адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Омон Мухторнинг "Узун йўлакдаги икки киши" китоби тақдимоти муносабати билан ижодий кеча ўтказилади. Учрашувга шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, адабиёт мухлислари ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*

# САЛОМАТЛИК УМР ЗИЙНАТИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

## Соғлом бўлсак, бахтлимиз

Инсоннинг феълида у қадар кўзга ташланмайдиган, лекин жуда муҳим хусусият бор. Бу — таққослаш. У доимо бир нарсани бошқа битта нарсага ўзича солиштириб юради. Турмушидан кўнгли тўлмай кўчада кетаётиб ногаҳон мажруҳ кимсага кўзи тушса, дарҳол ўзини ўнглайди. "Ҳаёт қийинчиликсиз бўлмас, тўрт мучам бус-бутун, бу ҳам катта бахт", деб ўйлайди у. Бемор дўстини кўргани касалхонага борганда янада сергак тортади. "Майда-чуйда ташвишларни деб асабийлашиш ўринсиз, ахир соғломман-ку!" дея ўзига таскин беради. Аслида таққослаш кўпинча одамни яхшиликка бошлайди, қўлига кўзгу тутиб бир қур назар ташлашга ундайди, асосийси шукр қилиб яшашга ўргатади.

Қишлоққа борганимда эшитдим. Рассомлик бўйича қайсидир танловда қатнашиш учун чет элга жўнаётган набирасини дуо қиларкан, Насим бобонинг кўзларига ёш келади. "Шу жойларда қариб-қартайдим, ниманиям кўрдим, ҳеч ёққа боролмадим. Сен мен учун ҳам ўша ёқларни томоша қилиб қайтгин, майлими?"

Набира ҳам "хўп-хўп" деб қўя қолмасдан эшикдан чиқаётиб ғалати гап қилибди: "Бобо, тош асрида одамларнинг ўртача умри ўттиз беш йил бўлган. Сиз улардан икки баробар кўп яшагансиз. Кўрмаган-билмаган нарсангиз қолмагандир?!"

"Ё раббий! — дея ёқасига туфлабди бобо. — Улар шунча оз яшашган эканми-а!"

Эртасига чойхонада бу гапни бошқаларга айтаркан, "Қаранг, набирам менга дарс берди-я", дея қотиб-қотиб кулибди.

"Ҳозирги болалар жуда ўткир чиқди-да!" дейишибди даврадагилар.

...Самарқанд сафаридан қайтарканман, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Мирзаакбар Абдусатторов билан қилган суҳбатим яна бир карра хаёлимдан ўтди. Ён дафтаримни варақладим:

"Мустақилликнинг илк давридан бошлаб аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга ошиб борганлиги сир эмас. Масалан, бизнинг вилоятимизда бу соҳа ривожига 2002 йилда 14,5 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 111,5 миллиардга етказилди. Шифохоналар учун янги бинолар қурилди, улар замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланди. Кадрлар малакаси оширилмоқда. Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази қошида "Болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлиги маркази" барпо этилиб, бу жойга Халқаро аҳолишунослик жамғармаси томонидан 300 минг АҚШ доллари қийматига тенг юқори технологияли тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Эндиликда барча тиббий муассасаларимиз корпоратив тармоққа уланган, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан электрон ҳужжат алмашинуви тизими жорий этиляпти".

Кўз олдимда анча йил аввалги воқеалар жонланди... Ўша кезларда Гулчирой аммамнинг тарифи тилларда достон эди. Бир қошиқ сув билан ютгулик, совчилари сочининг толасидан ҳам кўп бўлган бу париваш қиз қишлоқдаги энг кўркли йигитга узатилди. Аммо биринчи фарзандини дунёга келтираётиб оламдан кўз юмди. "Иккита яхшининг бахтига кўз тегди" дедилар. Лекин асл ҳақиқат бошқа ёқда эди. Аммамни тўлғоқ тутганда айни пахта терими, ҳамма далага кўчган, қишлоқ ҳувиллаб ётарди. Шунда бир ўспирин мотоцикл ҳайдаб кўчадан ўтиб қолади. Келинчак жон ҳолатда уни тўхтатиб ортига мингашади ва туман марказига қараб кетишади. Мотоцикл эгри-бугри кўчалардан силкина-силкина туғруқхонага етгунига қадар аммам ажал билан жон талашади, туғруқ вақтида кўп қон йўқотади, шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қололмайдилар. Чақалоқ туғилибоқ онасидан айрилади.

Қудрат деган киши ҳам бор эди. Ногирон туғилгани учун унга ҳеч ким қизини бермаган. Укаси эса дудуқ, тутилиб гапирар, бунинг устига киприкларини нуқул пирпиратарди. Кимдир "бола ёшлигида қаттиқ қўрққан" деса, яна кимдир "ота-онаси бир-бирига яқин қариндош, сабаби шу" дерди. Хуллас, ака-ука иккиси ҳам дунёдан тоқ ўтишди.

Бугунги кунда тиббиётимиз шу қадар ривож топганки, бу саъй-ҳаракатлар туфайли сўнгги йигирма йил ичида мамлакатимизда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларники эса 75 ёшга кўтарилди. Айрим турдаги туғма нуқсон билан дунёга келган болалар гўдакликдаёқ пластик операция қилинади, қарабсизки хунук нуқсонидан асар ҳам қолмайди. Фарзанд кўраётган аёлнинг аҳволи нечоғли оғир бўлмасин, боласининг ҳам, ўзининг ҳам ҳаёти сақлаб қолинади. Шунингдек, янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа касалликлар жойлардаги "Она-бола скрининги" марказларида барвақт аниқланади.

Мирзаакбар Абдусатторовнинг таъкидлашича, вилоятдаги скрининг маркази Япония гранти асосида замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланибди. Самарқанд шаҳридаги 1-туғруқ мажмуаси ҳам янги бинога кўчирилиб, "Меҳр нури" жамғармаси томонидан энг замонавий тиббий асбоблар билан таъминланибди.

Дарҳақиқат, ўтган даврларга солиштирганимизда кўп нарса ўзгарганлиги аён бўлади, тиббиётда тобора жадаллашаётганимизни ўйлаганда эса кўнгиллар ёришади, беихтиёр ўзимизни хотиржам сезиб, енгил тортамиз.

## Даво усуллари жаҳон андозасига мос

Токио шаҳри касалхоналарида эшикдан киришингиз билан оҳиста мусиқа эшитилар экан. Бу, албатта, бемор болалар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, оқ халатли дўхтирлардан жуда қўрқадиган болалар ана шу мусиқа таъсирида бемалол, ҳеч бир ҳадиксиз муолажа оладилар. Болалар хоналарида, ҳатто йўлакларида ҳам хилма-хил чиройли ўйинчоқлар териб қўйилган. Ҳар битта беморхона эшигига митти жониворларнинг суратлари солинган, бемор бола каравоти ёнида эса сон-саноқсиз расмлар, ўйинчоқ ва муляжлар бор. Кичик беморлар ётадиган хоналарга компютерлар ўрнатилган. Ҳамшира "касаллик варақаси"ни шунинг ичига солиб, боланинг кундалик аҳволини компютерда қайд этиб боради ва бундан шифокорни хабардор қилади. Ҳар бир беморга биттадан ҳамшира ажратилган, болалар ўзларини касалхонада эмас, худди уйларидагидек ҳис этишади.

— Биз ҳам шифохонамизда японча тажрибани қўллаяпмиз, — дейди Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар касалхонаси бош шифокори Холида Алимова. — Муолажалар вақтида юмшоқ ўйинчоқлардан фойдаланамиз. Чунки кичкинтой даво олаётганида ўйинчоққа кўзи тушса, нинанинг заҳрини дарров унутади. Шифохонамиз янги бинога кўчирилди, қулай шарт-шароитларга эга, ходимларимиз малакали, бо-



лалардаги юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ота-оналар билан суҳбатлар ўтказамиз. Бу эса турли касалликларнинг кескин камайишига олиб келмоқда.

Вилоятнинг Жиззах туманидаги Хавастлик қишлоқ врачлик пункти шифокори, II Даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Фарҳод Мажидов суҳбатимиз давомида амалга оширилган ишлар ва қишлоқ аҳолиси тиббий маданиятига оид мавзуга алоҳида тўхталди.

— Илгарилари қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига жуда тор доирада тиббий хизмат кўрсатарди. Эндиликда энг малакали тиббий ходимлар билан ишлаш йўлга қўйилди, — деди у. — ҚВПларда жаҳон андозасига мос келадиган даво усуллари ишлаб чиқилган, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Қишлоқлар аҳолиси аввалги йиллардагидек олисдаги туман касалхонасига қатнамайди, балки соғлиғи билан боғлиқ барча муаммоларни ҚВПнинг ўзида ҳал эта олади.

Фарҳод Мажидовнинг таъкидлашича, илгарилари қишлоқларда қон-қариндошлик никоҳларига бепарво қараларди. Оқибатда болаларнинг ногирон туғилиши ҳоллари рўй берарди. Ўтказилган мулоқотлардан сўнг ота-оналар бундай никоҳларнинг аксарият ҳолларда кўнгилсиз ҳодисалар билан тугашини тушуниб етдилар. Бундан ташқари, оналар ўзларидаги экстрагенитал (буйрак, жигар, ўпка, юрак қон-томир) хасталикларни то ҳомиладорликкача тузатиш зарурлигини англамоқдалар.

## Сайҳун бўйларида...

Сирдарё вилоятидаги уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасида кексалар биз билан суҳбатлашаётиб қўлларини дуога очишди, бугунги гўзал давримизга қайта-қайта шукроналар айтишди. Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази директори Ойбиби Хўжаева эса марказ учун яқинда қурилган икки қаватли лабораториянинг афзалликлари ҳақида сўзлади. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори муовини Сурайё Тешабоева ушбу масканда она-бола саломатлигини сақлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар ва ЮНИСЕФ болалар жамғармаси кўмаги билан ўқув маркази ташкил этилганини ҳамда асосан педиатр шифокорлар шу жойда малакаларини ошираётганликларини гапириб ўтди. Шифокор Татьяна Рюхинанинг айтишича, вилоят Соғломлаштириш маркази биносини финляндиялик ҳамкорлар замонавий тарзда жиҳозлаб беришибди.

— Бу ишларнинг ҳаммаси, албатта, ҳукуматимиз қўллаб-қувватлаётгани туфайли бўлаяпти, — дейди Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалининг олий тоифали эндоскописти Эркин Қосимов. — Беморларни текшириш ва аниқ ташхис қўйиш учун мўлжалланган замонавий компютер-томография 510 минг АҚШ долларига сотиб олинди. Шунингдек, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида туғруқ бўлимларига УЗИ аппаратлари, қишлоқ врачлик пунктларига биохимик анализатор, ҳаракатланувчи муолажа столи ва бошқа тиббий жиҳозлар келтирилди.

Тиббиётда "Валеология" деган атама бор. Бу – соғлом турмуш тарзи дегани. Америкалик машҳур ёзувчи Эрнест Хеменгуэй "Соғлом ҳаёт кечирган узоқ яшайди, носоғлом турмуш тарзи эса жамиятни юксак истеъдод эгаларидан маҳрум қилади, демакки, давлат тараққиётига ҳам путур етказади", деб ёзган эди. Бу гапда чуқур ҳикмат бор.

## Энг қадрли неъмат

Кечагина республика Онкология илмий марказида бўлиб, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наргиза Йўлдошева билан учрашдим. Марказда онкогинекология бўлими бундан қирқ йиллар аввал ташкил этилган. Наргизахон шу бўлимга раҳбарлик қилмоқда, айни вақтда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош онкогинекологидир.

— Икки кун мобайнида пойтахтимизда ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этдим, бу анжуманнинг ўтказилиши ишларимизга яна бир карра чуқур назар ташлаш имконини берди, — деди у ва марказда аёллар саломатлигига оид қилинаётган ишлар хусусида сўзлади: — Кейинги йилларда аёллардаги онкологик касалликларни комплекс даволашда радиомодификаторларни қўллаш бўйича скринингнинг дастури ишлаб чиқилди. Айни бир вақтнинг ўзида иккита жарроҳликни амалга ошириш йўлга қўйилди. Хавфли ўсмани олишда аёлнинг оналик аъзоларини сақлаб қоламиз, яъни шу йўл билан у яримжон бўлиб қолишининг олди олинади. Бу аёл учун соғлом ҳаётга қайтиш имконияти ҳисобланади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонидан сўнг юртимизда соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилди ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари яхшиланди.

Яқинда "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжатда 2012-2015 йилларда республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

— Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий моделига мувофиқ оналар ва болалар соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, перинатал, скрининг марказлари, туғруққа кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар ушбу қарорда ўз аксини топгани ишимизни илғор тажрибаларга таянган ҳолда янада жадаллаштириш имконини беради, унутмайликки, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, бу эса жамиятнинг соғлом бўлишига дахлдор, — дейди Наргиза Йўлдошева суҳбатимиз ниҳоясида.

Аслида бахт – саломатликда, демак ҳар бир киши соғлом бўлишни аввало ўзи чин дилдан истамоғи керак. Ана шундагина одам бунинг учун вақт ҳам, имкон ҳам топа олади.

* * *

Мамлакат куч-қудрати соғлом фикрли, жисмонан бақувват одамлар билан белгиланади. Демак, ҳар биримиз саломатлик учун аввало ўзимиз масъул эканимизни тушунишимиз зарур. Соғлом одамга эргашсак, соғлом одамдан ўргансак, хуллас соғлом одамга дўст тутинсак, оқибати хайрли бўлади. Инсон учун саломатлик дунёдаги энг қадрли неъмат. Ҳар бир киши ўзини чиниқтириб, вужудини турли касалликлардан асраб яшаши керак. Зеро, ҳаёт жамики ташвишу қувончлари билан, гўзал. Эзгу фазилатларимиз ҳаётга янада кўпроқ завқ ва чирой бағишлашини ёддан чиқармайлик. Қадимгилар айтиб кетганидек, саломатлик шундай бир иморатки, пойдевори қанчалик мустаҳкам қилиб қурилса, у шунчалик узоқ вақт бус-бутун туради.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

Мулоҳаза

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЯШИРИН РЕКЛАМА

Хориж телеканалларидан бирида ўн олти ёшли болакай мактабга ичиб келгани намойиш этилди. Албатта, ақли-ҳушидан айрилган ўқувчининг билим даргоҳида гандираклаб, афтодаҳол юриши жуда ачинарли эди. Мана шу хунук манзарани кўриб, бизда ҳам нега айрим ёшларимиз ичкиликка, кашандаликка ружу қўйишади, деган савол кўнглимдан кечди. Айб оилада, дейдиган бўлсак, ота-онаси ичмайдиган, чекмайдиган болалар бундай зарарли одатларни қаердан ўрганяпти?

Маълумки, қонунга биноан, алкогол ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш таъқиқланган, уларни сотишда ҳам чекловлар қўйилган. Аммо ушбу маҳсулотларнинг яширин рекламаси мавжудлигини унутмаслик лозим. Яширин реклама инсон ақл-идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказиш демакдир.

Ҳозир ҳаётимизни телевизорсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, унда берилаётган телесериалларни уй бекаларидан тортиб, болаларгача қизиқиш билан кўришади. Мексиканинг «Муҳаббат қаҳваси»дан текиллони, японларнинг катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Ошин» сериалидан сакэ, корейсларнинг муҳаббат ҳақидаги фильмларидан виски нима эканини билиб олишган бўлсалар ажаб эмас. Эътибор беринг-а, севимли, биз ва фарзандларимиз ихлос қўйган қаҳрамонлар спиртли ичимлик ичишади. Табиийки, қаҳрамонини идеаллаштириб ўтирганларга уларнинг ароқ ичиб кайф қилиши, корейс киноларида бот-бот кўрсатиладиган бошига озгина мушкуллик тушган ёш йигит, айниқса, қизларнинг кафега кириб йиқилиб қолгунча ичишлари, ахир бу ҳам яширин реклама, алкоголли маҳсулотларни тарғиб қилишнинг бир усули эмасми? Катта ёшдагилар майли, нима фойда, нима зарар эканини билишар, лекин ҳали онги тўла шаклланиб улгурмаган ўсмирлар-чи? Улар ўша ўзларининг севимли қаҳрамонларига ичишу чекишда тақлид қилмайди, деб ким айта олади?

Яна бир ҳолат. Урф-одатларимизга кўра уйимизга ташриф буюрган меҳмонни хурсандчилик билан кутиб оламиз. Топганимизни олдига қўямиз. Мана шунақанги зиёфатларда отаси, ҳатто онаси ичаётганини кўрган болаларда уни бир татиб кўриш истаги пайдо бўлмайдими? Шу тариқа биринчи "сабоқ" кўлами кенгайиб, туғилган кун ва байрамларга уланиб кетади. Оқибатини эса тасаввур қилиш қийин эмас.

Хўш, ёшлар ичкиликбозлик, кашандалик сингари зарарли одатларга берилмаслиги, алкогол ва тамаки маҳсулотларининг яширин рекламаси таъсирига тушиб қолмаслиги учун ота-оналар, кенг жамоатчилик нималар қилиши керак?

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон пиво ва алкоголсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ассоциацияси билан ҳамкорликда «Виждонли сотувчи» лойиҳаси ўтказилди. Бундан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, вояга етмаган ёшларга алкоголли ичимликлар савдосини таъқиқлаш ҳамда қонунчиликда белгиланган меъёрлар ижроси юзасидан жамоат назоратини шакллантириш кўзда тутилган эди. Лойиҳа доирасидаги кузатувга кўра пойтахтимизнинг турли туманларида фаолият олиб бораётган 45 савдо шохобчасидан 7 тасида сотувчи вояга етмаган ўсмирларга алокоголли маҳсулотларни сотмаган. Қолганларида эса... Яна бир ачинарли ҳолат: 142 та мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей жойлашган ҳудудга яқин 500 метрлик масофада тамаки маҳсулотлари ёки спиртли ичимликлар сотувчи 142 та дўкон мавжуд экан. Демак, бу дегани ҳар бир таълим-тарбия масканига битта савдо дўкони тўғри келмоқда.

«Ёшлар» телеканалида спиртли ичимлик истеъмол қилиш ва сигарета чекишнинг салбий оқибатларига бағишлаб намойиш этилган «Суиқасд» филмидан лавҳа: «Бир куни дўконга 5-6 ёшлардаги бола кирди-да, «Менга энг қимматбаҳо сигарета билан зажигалка беринг», деди. Мен ажабланиб, секин ундан сўрадим: «Сен қиммат сигарета олиб нима қиласан, ундан кўра дадангга ширинликлар олиб борсанг бўлмайдими?» «Бугун дадамнинг туғилган кунлари, 30 ёшга кирдилар, сигарета чекишни жуда яхши кўрадилар. Шунинг учун сигарета билан зажигалка совға қилмоқчиман», деб жавоб берди болакай. Ёшларимиз сигарета чекишга, ичкилик ичишга қизиқишни, мана, кимлардан ўрганади?».

— Маҳалла фуқаролари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда мактаб яқинидаги дўконлар фаолиятини тартибга олишни, тамаки ва алкоголли маҳсулотларни ўқувчиларга сотмасликни назорат қилиш юзасидан участка профилактика нозири, маҳалла посбонлари билан маслаҳатлашдик, — дейди Ғаллаорол туманидаги «Бахт» маҳалласи маслаҳатчиси Бувихол Хўрозова. — Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти катта. Демак, оиладаги муҳит ва тарбия яхши бўлмоғи керак. Кечқурунлари кўча-кўйда ўсмирларнинг тўдалашиб юришига чек қўйиш зарур. Ёшларимизнинг ҳали шаклланиб улгурмаган онгини заҳарлаш, оқ билан қорани ажратолмагани боис ёмон одатларга ўрганиб қолиши жудаям осон. Шундай экан, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун уларни кўпроқ маданий тадбирларга ва спорт тўгаракларига жалб этсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ер шарининг 1,3 миллиард аҳолиси кашандаликка дучор бўлган. Катта ёшдагилар орасида ўлимнинг 12 фоизи кашандалик оқибатида рўй бермоқда ва бунинг натижасида 5,4 миллион одам ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.

Чет эллик киноюлдузлардан бири тамаки маҳсулотларини катта пул эвазига реклама қилгани ва ўзи ҳам кашандаликка ружу қўйгани боис ўпка ракига учрагани, унинг ўлими олдидан одамларни ичмасликка, чекмасликка даъват қилаётгани ҳам хорижий телеканаллар орқали намойиш этилган.

Бу мисолларни айтишдан мақсад шуки, шу йилнинг октябр ойида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонунида ёш авлодни алкогол ва тамаки маҳсулотлари зараридан асраб-авайлашга қаратилган чора-тадбирлар устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Агар ўғлимиз бир умрга ногирон ва нотавон бўлиб қолмасин, қизимиз айбдор ва абгор бўлмасин, невараларимиз мажруҳ бўлиб туғилмасин десак, ҳозирнинг ўзидаёқ сергак тортайлик: ўғлимиз кечаси қаерда, ким билан эди ва нега кеч қайтди? Қизимиз балоғат ёшида — унинг дўстлари ким, кимларга тақлид қилаяпти, кимларга ҳавас қилаяпти? Фарзандимизнинг чўнтагидаги пул қаердан пайдо бўлди? Бу пулларни у нималарга сарфлаяпти, қандай кинофилмларни кўраяпти?.. Огоҳ бўлайлик! Ҳаётимизнинг гулу лолалари — келажагимиз бўлмиш ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари ўзимизнинг қўлимизда!

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Барно СУЛТОНОВА**

# НАФОСАТ БЎСТОНИ

Танлов

Асрлар мобайнида сақлаб келинаётган халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий қадриятлари истиқлол йилларида эъзоз топмоқда. Халқ ижрочилик турларини ривожлантириш, ёшларнинг миллий санъатга бўлган меҳрини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти маркази, "Камолот" ЁИҲ, Элликқалъа тумани ҳокимлиги ва О.Худойшукуров номидаги жамғарма томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон шаҳрида ўтказилган "Нафосат бўстоним маним" фестивали ва кўрик-танлови бу борадаги саъй-ҳаракатнинг амалий натижаси бўлди.

Фестивал хушовоз хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган тадбир ва кўргазма билан очилди. Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан номоддий маданий меъросимиз анъаналарини асраш, тарғиб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда иқтидорли ёш ижрочилар, эстрада хонандалари, анъанавий қўшиқ ижрочилари, бахшилар, халфалар, ҳунарманд ҳамда мусаввирлар санъатини кенг тарғиб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган махсус низомга мувофиқ кўрик-фестивалнинг ҳудудий саралаш босқичлари шу йилнинг 20 октябридан 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида ўтказилди. Фестивалнинг Элликқалъа туманида бўлиб ўтган якуний босқичида бир юз элликка яқин иштирокчи қатнашди. Республика босқичи беш йўналишда олиб борилди.

Опера (вокал) ижроси бўйича биринчи ўрин қорақалпоғистонлик Айтбай Тожибоевга насиб этди. Иккинчи ўринга вокалчилар Соибжон Давлатов (Фарғона), Зарнигорхон Қирғизалиева (Андижон), Ҳусниддин Орифжонов ва Холида Велиева (Тошкент шаҳри) сазовор бўлди. Наманганлик Жаҳонгир Султонов, қорақалпоғистонлик Фарид Узоқбергенов, тошкентлик Василина Дониёрова, Юлия Габдюкова ҳамда фарғоналик Дилдора Алойдинова эса учинчи ўринни қўлга киритди. Унда иштирокчилар оркестр жўрлигида жаҳон ва ўзбек классик асарларидан ариялар ижро этишди.

Бахшичилик йўналиши бўйича Саламат Аяпов ва Шерали Жумаев биринчи ўрин, Мақсет Аекеев, Расулбек Абдураҳмонов иккинчи ўрин, Улбосин Оринбаева, Оралбай Отамбетов, Дониёр Алламуратов учинчи ўринга сазовор бўлди. Халфа ижрочилиги бўйича биринчи ўринни Сарвиноз Курязова (Хоразм) қўлга киритди. Қорақалпоғистонлик Дилноза Отахўжаева ва Дилноза Неъматова иккинчи, Латофат Мўминова (Хоразм) учинчи ўринни эгаллашди.

Халқимизнинг турмуш тарзи, анъаналари, номоддий маданий мероси, миллий ўзлигини ифода этувчи, ватанимиз истиқлоли ва истиқболини тараннум этувчи термалар ва халқ достонларини ўзида мужассам этган чиқишлар тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар қалбида яхши таассурот уйғотди. Айниқса, эстрада ижрочилари фестивалга ўзгача шукуҳ бахш этишди. Мазкур йўналишда Муқаддам Сафоева ва Оринбай Акимбаев (Бухоро) томонидан ижро этилган қўшиқлар биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ўринни Фахриддин Дархонбоев (Тошкент) ва Хуршид Гадоев (Самарқанд)лар қўлга киритди. Учинчи ўринни наманганлик ва хоразмлик иштирокчилар эгаллашди.

Таниқли ҳофиз Отажон Худойшукуров ижро этган мумтоз қўшиқлар йиллар мобайнида санъат ихлосмандлари қалбида сақланиб келмоқда. Анъанавий ижрочилик йўналишида иштирокчилар устоз санъаткор ижодига мансуб сара қўшиқларни ижро этди. Айниқса, жонли ижродаги чиқишлар кўпчиликка манзур бўлди.

Халқ амалий ва тасвирий санъати йўналишида миллий қадрият, анъана, урф-одатлар ҳамда маросимлар, мамлакатимизнинг гўзал табиати, қадимий ёдгорликлар ва халқимиз бунёдкорлигини акс эттирувчи асарлар, энг сара ижод намуналаридан иборат жамланмалар намойиш этилди. Бу санъат тури бўйича фахрли биринчи ўринни қорақалпоғистонлик Дониёр Отарбаев, иккинчи ўринни Малика Бекназарова, Бобомурод Ҳайдаров ва Нодира Мамбетова, учинчи ўринни эса Иқбола Назарова, Мансур Жуманиёзов ва Мирзо Мирзаҳусанов эгаллади.

Тадбир қатнашчиларини "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси бош директори Омонилла Ризаев, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Муяссар Раззоқова, Ўзбекистон халқ рассоми Асқарбек Акпаров, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев, профессорлар Ботир Матёқубов, Ўрозали Тошматов қутлашди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари топширилди.

**Жавлон СУЛАЙМОНОВ,**
**Халқ ижодиёти маркази етакчи йўриқчиси**

## ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Олов — тилсиз ёв, деган гап бежиз айтилмаган. Ёнғин оқибатида нафақат моддий бойликлар, уй-рўзғор буюмлари, балки одамлар ҳаёти, соғлиғи хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Ёнғинларнинг содир этилишига, аксарият ҳолларда, ҳамон беparволик сабаб бўлаётгани ачинарли ҳол. Газ ва электр асбоб-ускуналардан, қўлбола иситгичлардан фойдаланувчилар, тинимсиз огоҳлантиришларга қарамай, ўзбошимчалик билан иш тутиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмай бахтсиз тасодифларга йўл қўйишаётир.



Носоз электр иситиш мосламасидан рухсатсиз фойдаланиш оқибатида жабр кўраётганлар оз эмас. Халқимизда: "Ўт балосидан асрасин", деган пурҳикмат гап бор. Зеро, кутилмаган офатлар орасида ёнғиннинг кулфати, зарари беқиёсдир. Шу боис, фуқароларимизни доимо огоҳ бўлишга, оддий эътиборсизликлардан тийилишга, лоқайд бўлмасликка даъват этамиз, хонадонларимиздаги газ ва электр мосламаларини доимо назорат қилиб туриш, уларнинг техник жиҳатдан созлигини таъминлашга чақирамиз.

**Р.АРИПОВ**

**Бегали Қосимов илмий асарлари ўзининг теран мантиқи, изчиллиги, содда ва равон тили билан ўзбек адабиётшунослиги тарихида айрича ҳодиса. Домланинг архивидан топилиб, "ЎзАС" ўқувчиларига тақдим этилаётган мазкур тадқиқот нафақат қўйилган масаланинг миллийлиги, теранлиги, илмийлиги билан, балки бир ўқигандаёқ ўқувчи қалбига етиб бориши жиҳатидан ҳам ўзига хос.**

**Тадқиқот марказига қўйилган "Ўзбек мардикорлик шеърияти" мавзуси илк бор 70-йилларда айнан профессор Б.Қосимов томонидан кашф этилган, ўрганилган, илмий муомалага олиб кирилган. Шундан бери "Ўзбек мардикорлик шеърияти" XX аср бошлари ўзбек адабиётига хос илмий истилоҳ сифатида яшаб келади. Мутахассислар бу шеърият ҳақида ўз фикр-қарашларини айни истилоҳ асосида баён қиладилар. Шу тариқа "Ўзбек мардикорлик шеърияти"га доир махсус тадқиқотлар амалга оширилди, диссертациялар ёқланди.**

**Мақола ҳажман катта эмас, аммо ҳар бири махсус ўрганишга арзирли бир неча мустақил концепцияни ифодалайди. Биринчидан, ишда мардикорлик шеъриятини майдонга келтирган руҳий-маънавий, ижтимоий-тарихий омиллар кўрсатилган, аниқ фактлар мисолида асосланган. Иккинчидан, "Ўзбек мардикорлик шеърияти"нинг манбалари тасниф қилинган. Учинчидан, ушбу воқеалар билан эгиз туғилган адабиёт ва уларнинг замонавий ёзма адабиётга ўтиши, бадиий акс этиш жараёнлари ёритилган. Тўртинчидан, "Ўзбек мардикорлик шеърияти"нинг талқин ва тасвир кўлами, поэтик тамойиллари белгиланган, хусусан, "Лошмон" тўпламига кирган шеърларнинг тизимли таҳлили амалга оширилган. Бешинчидан, айни шеъриятнинг ўзбек фолклори, мумтоз адабиёт, шеър поэтикаси ва шеър муаллифлари ижодий принциплари билан узвий алоқадорлиги ҳақида фикр юритилган.**

**Устоз олимдан мерос қолган ушбу кичик тадқиқотда ёш авлод учун ибрат ва сабоқ, маърифат зиёси бор.**

**Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ**

# ЎЗБЕК МАРДИКОРЛИК ШЕЪРИЯТИ

"Ўзбек мардикорлик шеърияти" — адабий термин сифатида ўзбек адабиётшунослигида 70-йилларнинг охирида пайдо бўлди ва 1916 йилда Туркистондан мардикор олиниши, уларнинг фронт ортидаги ҳаёти ва 1917 йилнинг февралидан кейин эса ватанларига қайтиб келишлари билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи асарларни кўзда тутади.

Мардикорлик воқеаси маълум ва машҳур воқеа.

1916 йилнинг 25 июнида 2-Николай империядаги ғайрирус аҳолининг эркакларини фронт ортидаги қора ишларга хизматга олиш ҳақида фармон чиқаради. Туркистондан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 250 минг ишчи олинадиган бўлади. Бу эса халқ орасида жуда катта норозилик туғдиради, тўқнашувлар юз беради. 1916 йилнинг июлида халқ қўзғолонлари бутун Туркистонни қамраб олади.

Сабаби:

1.Халқнинг 50 йил давомида онгли равишда ҳарб ишларидан узоқ тутилганлиги.

2.Маҳаллий халққа ишончсизлик. Улар аскарликка эмас, мардикорликка – қора ишга олиниши.

(Мардикорлик воқеаларида бевосита қатнашган Лазиз Азиззоданинг хотирлашича, ғалаёнчилар аксарият "Аскар бера-миз! Қора ишчи бермаймиз!" деб кўчага чиққанлар.)

3.Фармоннинг кутилмаганда берилиши.

4.Фармоннинг суиистеъмол қилиниши.

(Мардикор олишдаги тенгсизлик, бир кишининг ўрнига иккинчи кишини ёллаш мумкинлиги ва ҳ.к. Совет тарих фани, кўпинча, шуни асосий сабаб қилиб кўрсатиб келди.)

Тўқнашувлар қаттиқ кечган. Ғалаён шафқатсиз бостирилган. Бу воқеалар ўша давр матбуоти ва адабиётида озми-кўпми ўз аксини топган. Сўнг кейинги 50-60 йил давомида адибларимиз бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этдилар. Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романи, Н.Сафаровнинг "Кўрган-кечирганларим"и, А.Мухторнинг "Чинор", М.Алининг "Боқий дунё" шеърий романи кабиларни эслаш мумкин. Бу мавзу Туркистондаги барча адабиётларда деярли ишланди. Бу бежиз эмас.

1916 йилнинг 9 августида Тошкентга келган "Вақт" мухбири Шаҳид Муҳаммадёров ўз таассуротларини шундай ёзган эди:

"Мардикорлик ари уясига чўп суққандек бўлди. Туркистонда бамисли ер титради. Халқ бош кўтариб, ён-атрофга қаради. Бул Туркистон учун чинликдан 1905 йил бўлди... Туркистон бирдан XVIII асрдан XIX асрга кирди...".

Бу борада янги-янги материаллар чиқмоқда. 1996 йили "Ўзбегим" мажмуасининг 2-сонида Жиззах қўзғолонининг қатнашчиси М.Аллаёровнинг хотиралари эълон қилинди.

Чор ҳукумати ён беришга мажбур бўлади. Мардикорликка олинадиганлар сони қисқартирилади. Уларни жўнатиш учун комиссия юборилади. Туркистонни яхши билган А.Н.Куропаткин генерал-губернатор қилиб тайинланади ва ҳ.к.

Мардикорлар тушган биринчи эшелон Тошкентдан 1916 йилнинг 18 сентябрида жўнатилди. Ғоят тадбиркорлик билан иш кўрилди. Мардикорларга ош тортилди, пул, ширинликлар улашилди. Оқподшоҳ шаънига шиорлар битилди. Мардикорларга генерал Куропаткиннинг шахсан ўзи оқ йўл тилаб қолди.

18 октябрда эса 2-Николай эшелоннинг вакилларини ўз қароргоҳида қабул қилади. Мукофотлар беради. Хуллас, йил охирига келиб, қўзғолонлар пайсал топади. Ундан кейин қўзғолончиларни шафқатсиз жазолаш бошланади.

Йигитларимизнинг мана шу мардикорликка кетишлари, у ёқдаги ҳаётлари, сўнг эса қайтишлари ҳақида ўз даврида шеърлар, достонлар, драматик асарлар майдонга келган. Булар ўз даврининг бадиий солномаларидир. Афсуски, улар тўпланган, ўрганилган эмас. Улардан айримларигина ўрганилди (масалан, Ҳамза — Л. Қаюмов; Пўлкан — Т. Мирзаев).



Бу асарлар орасида алоҳида ўринни шеърлар эгаллайди. Ҳозирча ўзбек адабиётида ўнга яқин шеърий тўплам 1916 — 1917 йилларда чоп этилгани маълум.

Булар: "Лошмон" (тузувчи М.Иброҳимбеков), "Сафсар гул" (муаллифи Ҳамза), "Мардикорлар ашувласи" (Авлоний), "Ватанга хизмат" (Акбарий Тошкандий), "Рабо(т)чилар намойиши", "Рабо(т)чилар келиши", "Русия инқилоби" (Сидқий Хондайлиқий), "Ватан хизмати" (Муртазо бин Исмоилжон), "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" (Азмий-Азизий).

Мазкур тўпламлардаги шеърларни мавзуига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1.Мардикорликка жўнатиш билан боғлиқ кечинмалар ифода этилган шеърлар.

2.Мардикорларнинг фронт ортидаги ҳаёти.

3.Ватанга қайтиб келиш.

"Лошмон" — булар орасидаги илк тўплам, Наманганда 1916 йилда чоп этилган. Унда М.Иброҳимбековдан бошқа Рафиқий ва Лутфулла Олимий ҳам иштирок этганлар.

Шеърларда туркий адабиётдан, хусусан, Зиё Кўк Алп, Меҳмед Эмин Юрдақул ижодидан таъсирланиш кучли. Шоирларимиз улардан кўплаб иқтибослар оладилар.

Масалан:

**Мен бир туркман, диним, жисмим улуғдир,**
**Менинг қалбим оташ бирла тўлуғдир.**
**Инсон бўлган ватанининг қулидир.**
**Турк авлоди уйда турмас кетарман.**

Ёки:

**Юртум мани шул Турон,**
**Бобом мани Кўрагон.**
**Ватан учун хизматга**
**Доим белим боғланган.**

Миллат келажагига умид бор:

**Кулгил Лутфий, чекма ҳеч ғам, етар гул очилади,**
**Кетар қишлар, бўрон-қорлар, бўлар миллат баҳори!**

Авлонийнинг "Мардикорлик қўшиқлари" ўзига хос

Тадқиқот, ахборот

хайрлашув қўшиқларидир. Бу қўшиқлар 18 сентябр куни йигитларни жўнатиш пайти айтилган. Ундаги туйғулар анча мураккаб. Унда ватанни қутқаришга бораётган йигитнинг эмас, ватанидан ажратиб олиб кетилаётган кишининг туйғулари устун:

**Фалак бизни жудо қилди сизлардан ҳам ватандан,**
**Ватанимиз қутқарамиз бизлар бориб душмандан.**

Акбарий Тошкандийнинг "Ватанга хизмат" китобида эса масаланинг бошқа томони бўртиб туради. Мана унда қандай сатрлар бор:

**На учунким бойлар ўғлин қолдуруб,**
**Минг сўмга камбағал ёллаб олдуруб.**
**Оналарин юрак-бағрин ёндуруб.**
**Бир Оллога топшурдум ман сизларни.**

Ўзбек адабиётида бевосита ғалаённи, унинг оқибатларини акс эттирган асарлар ҳам анча. Улар алоҳида бир мавзу.

Бир туркум шеърлар мардикорларнинг мардикорликдаги ҳаётини ёритади. (Ҳамзанинг "Соғиниб", "Салом айтинг" шеърлари бунинг машҳур намуналаридир.)

Бир туркум шеърларда, масалан, Сидқий Хондайлиқийнинг "Ситамдийда рабо(т)чилар келиши" манзумасида ҳам келиш қувончи, ҳам мардикорлик ҳаёти тасвирланган.

Танланган шеърлар шакли — диалог. Манзума шундай бошланган.

Савол:

**Мунча муддатларда қолдингиз қаён?! Хуш келдингиз!**
**Қайси жойга бордингиз, бермай нишон?! Хуш келдингиз!**
**Йиғламоқдин бўлди кўзлар ёши қон, хуш келдингиз!**
**Ғамда қад бўлди дуто, тан нотавон, хуш келдингиз!**
**Эмди ғамгин дил уйиға меҳмон, хуш келдингиз!**

Жавоб:

**Мунча муддатларда биз кетдук уруш майдониға,**
**Баъзимиз тўп зовтиға, баъзимиз мис кониға.**
**Пўрма кийдук, олдук ўзни эмди солдат сониға,**
**Бўйнумиз сундук бу золим шоҳнинг фармониға,**
**Сиз сўранг биздин деб "Эй, зиндониён, хуш келдингиз! "**

Мардикорлик ишининг тафсилотлари ҳам бор:

**Берди бир қўлға чироғу ёна бир қўлға темур,**
**Ер тагиға ушбу ҳолат бирла кирдук биз ғаюр.**
**Баъзимизга берди гурзи, мисни тобсанг мунда ур.**
**Ер таги намноку танлар ожиз ўлди мисли мўр.**
**Айтингиз табрик этиб, "Эй, қаҳрамон, хуш келдингиз!"**

Айрим шеърлар мардикорларнинг бевосита қайтиб келишлари қувончини ифода этади. Масалан, Сидқийнинг бир шеъри "Сизларга мужда" деб аталган. Унда шундай сатрларни учратамиз:

**Фалакни жавридин синган ўшал болу парим келди,**
**Вужудим боғи нахли, равшани чашми тарим келди.**
**Худонинг шукрини қайси забон бирлан адо айлай,**
**Карам дарёси жўш урди, дурахшон гавҳарим келди.**
**Фироқида дамодам, эй кўзум, қонлар тўкар эрдинг,**
**Бас эмди қон ёшингни тўкмаким, ул дилбарим келди.**
**Мусофирлиғда ранги каҳрабо янглиғ сариғ бўлғон,**
**Қизил гулдек юзи сўлғон менинг боғу барим келди.**
**Ғариблиғда жафо чеккан, ситам торттан, алам кўрган,**
**Қади ғамдин дуто бўлғон машаққатпарварим келди...**

Шеърдаги туйғулардан шундай маъноларни англаш мумкин:

1.Бу хизмат – Ватан хизмати эмас эди, ўз оти билан мардикорлик эди.

2.Улар Ватанда эмас эдилар. Аксинча, Ватандан айрилган эдилар, ғарибликда, мусофирликда эдилар.

Мардикорлик шеърлари ифодасига кўра содда: кўпчилиги халқ қўшиқлари оҳангида. Вазнига кўра эса бармоқда ёзилганлари ҳам бор, арузда ёзилганлари ҳам бор.

Тахмин қилиш мумкинки, бу қўшиқларнинг кўпчилиги бевосита халқнинг ўзидан олинган. Шунга кўра уни ёзма адабиёт билан оғзаки адабиёт ўртасидаги бир ҳодиса деб қарамоқ мумкин.

Иккинчидан, бу ҳодиса фақат бизда эмас, Туркистондаги бошқа туркий адабиётларда (масалан, қозоқларда) ҳам бор.

Мардикорлик ҳодисаси татар адабиётида ҳам акс-садо берган. Масалан, Шайхзода Бабич 1916 йилги Туркистон қўзғолонини бостиришда қатнашган генерал Абдулазиз Давлетшинни қораловчи шеър ёзган:

**Сен тўра, Абдулазиз, бор ихтилолларни битир,**
**Турма ҳеч виждон, имон деб, бор, мусулмонни ў(л)тир.**

Хулоса:

1.Мардикорлик воқеалари Туркистон истиқлол ҳаракатида муҳим рол ўйнаганидек, мардикорлик шеърияти янги ўзбек адабиётининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2.1916 йил воқеалари туркий халқларни бирбирига яқинлаштирди. Адабиётимиз бу яқинликдан озиқ ва илҳом олди.

3."Ўзбек мардикорлик шеърияти" мазмун-моҳиятига кўра туркий халқлар ва адабиётлари бирлигини намойиш этувчи ҳодисалардандир.

**Бегали ҚОСИМОВ**

# БОБУРНИ АНГЛАШ БАХТИ

Кейинги пайтларда ўзбек адибларининг мумтоз адабиётимиз намояндалари, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига жиддий қизиқаётганлари, улар ҳақда бадиий асарлар яратишаётгани кишини қувонтиради. Жумладан Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг янги достони ўқувчиларга тақдим этилди ("Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур...", "Ўзбекистон" нашриёти, 2011).

Маълумки, Бобур ижоди жаҳон олимлари томонидан беш асрдан бери ўрганиб келинмоқда, у ҳақида бадиий асарлар, кино ва видеофилмлар, тасвирий санъат асарлари яратилган. Қолаверса, Бобурдек мураккаб шахс ҳақида янги шакл ва мазмунда бадиий асар яратишнинг ўзи таҳсинга лойиқ. Зеро, Сирожиддиннинг ўз иқрорини ("Фақат бир таҳлика: Бобур бобонинг қаттиқ, синчков назари, ул зотнинг "Бобурнома"да Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида "Табъи назми бор эди. Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтмоқдин айтмағон яхшироқдур", деган қатъий ва кескин сўзлари ҳозир ҳам манглайим узра қиличдек ярқираб тургандек туюлади...") ҳам камтарона баёнот ва ҳам Бобур ижоди олдида таъзим маъносида қабул қилиш мумкин.

Достонни варақлаган сари муаллифнинг "Бобурнома"ни, Заҳириддин Бобурнинг адабий-эстетик қарашларини, умуман, адиб ижодини пухта ўрганганига гувоҳ бўламиз. Зеро, Бобур ижодининг мухлиси сифатида шуни биламанки, достон мундарижасини белгилаган улуғ адиб ижодидан танланган иқтибосларнинг ўзи зукко бобуршуносларга хос даражада. Энг муҳим, сана ва воқеаларни ўз ичига олган бу иқтибосларнинг мазмуни асосида яратилган шеърлардан Бобур нафаси, дарди, қувончи ва ҳасратлари, ифтихори ва ота сифатидаги илтижолари ҳамда Ватан соғинчи, бунёдкорлигини бир бутунликда тасаввур этиш мумкин.




Достондаги илк "Бобурнома" номли шеърини яратишда муаллиф Бобурнинг:

**Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,**
**Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.**
**Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билғайким,**
**Не ранжу, не меҳнату не ғамлар кўрдум —**

рубоийсини келтирадики, бу диққатга молик. Бу рубоийда Бобурнинг ўқувчисига мурожаатидан ташқари, ҳаёти ва ижодининг гултожи бўлган "Бобурнома"нинг мавқеи ва ўрнига ҳам ҳавола бор. Рубоийдан кейин Сирожиддин адибнинг услубини аниқ ифодалаган қуйидаги парчани "Бобурнома"дан топиб келтирадики, бу яна бир бор муаллифнинг Бобур ижодини синчиклаб ўрганганлигидан далолатдир: "Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқий бу эдиким, таҳрир этубтурмен...".

Достон аввалидаги "Бобурнома" шеъри ҳам айнан Бобур ҳаёти ва ижодининг сарҳисобини ўзида акс эттирган. Бунда Сирожиддин юксак маҳорат билан шоҳ ва шоир Бобурнинг умр дафтарини варақлайди, унинг шоҳ сифатида чеккан изтиробларини "Бобурнома"дек асарни яратгандаги заҳмати билан ҳамоҳанглигини таъкидлайди. Мазкур шеър назмнинг "саҳли мумтанеъ" – шакли содда, аммо битилиши мураккаб услубида ёзилган бўлиб, унда поэтик жозиба қатори муаллифнинг Бобурга меҳри ҳам таъсирчан ифодасини топган:

**Бу менинг ҳам дил достоним,**
**Шунча эканми армоним?**
**Қандай чидабсиз, Султоним?**
**Сабрнома "Бобурнома",**
**Сабрнома "Бобурнома".**

Сирожиддин "Бобурнома" муаллифининг сабр-бардошидан ҳайратланиб, мазкур асарнинг тарихий-адабий хусусиятларини ўрганиб, унга Қадрнома, Тақдирнома, Жабрнома, Ҳарбийнома, Кабирнома, Ботирнома, Хотирнома ва Сабрнома, дея таъриф берадики, бу билан асарнинг мундарижаси ва муаллиф умр йўлининг мазмун-моҳиятига ишора қилади.

"Бобурнома"да Ҳусайн Бойқаронинг 37 йил темурийлар давлатини Хуросонда осойишта бошқаргани, унинг қаламравида илм, адабиёт ривож топганини таъкидлаган ҳолда Бобур юрт султонининг давлатчилик ишларидан унча рози эмаслиги, фарзандлари билан бўлган иттифоқсизлик салтанатга катта зарар етказгани ва темурийзодаларнинг ахлоқан ношоиста ҳаракатлари ҳақида шундай ёзади: "Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ шунчалик йўл келиб, рамазондек мутабаррук ва азиз ойга кечалик фурсат қолиб отасидан ийманмай, Тенгридан қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди...".

"Бобурнома"даги бу аччиқ тарихий ҳақиқатга диққатни тортаркан, Сирожиддин Амир Темур салтанатининг барбод этилишидаги сабаблардан бири бўлган бу иллатни қоралайди, мирзоларнинг ахлоқидан ўксинади, "Бу мирзоларнинг ортида мирзолари бордир" дер экан ўқувчисини бу иллатлардан узоқроқ туришини, юртни эл дарди билан ёнган кишиларгагина ишониш мумкинлигини таъкидлайди:

**Бу мирзолар разилликсиз,**
**риёсиз сайрай олмаслар,**
**Бу мирзолар фасоду айшу,**
**майсиз яйрай олмаслар...**
**Бу мирзоларнинг ортида**
**яна мирзолари бордир,**
**Бу мирзоларга юрт бермангки,**
**ҳаргиз асрай олмаслар.**

Достоннинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, муаллиф Бобур даври воқеалари тасвири замирида мустақиллик йилларидаги сиёсий-ижтимоий ҳолатларга ҳам назар ташлагандек бўлади, юртимизнинг

Китобингизни ўқидим

истиқлолга эришиши, бу озод дамлар қанчалик заҳматлар эвазига келганлигини ҳам таъкидлагандек туюлади. "Бу мирзоларга юрт берманг-ки, ҳаргиз асрай олмаслар" дер экан, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида юртга бош бўлишга қуруқ даъволар қилган кимсаларни ҳам назарда тутгандек бўлади.

Сирожиддин Саййид улуғ адиб ижодий мероси ва шахсини теран англагани боис уни юксак муҳаббат билан куйлаган, таъбир жоиз бўлса, Бобурни мустақил Ўзбекистон фазоси ва ҳавосида гапиртира олган. Чунончи, Бобурнинг: "Бурунгилар дебтурларким, қўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур, кўмак ва мадад бўлғай" сатрларига ҳамоҳанг тарзда қуйидаги мисраларни битар экан, бугун ҳам Ватан ҳимоясини таъминлашда якдиллик ва жонбозлик лозимлигини қайд этади:

**Қўрғон беркитмакликка**
**Ғишт керак, ҳам тош керак.**
**Куч-қудрат ва жасорат**
**Матонат бардош керак.**
**Мададкор қўл-оёқлар,**
**Қавм ила қардош керак.**
**Бори эл – бир жону тан,**
**Ва, албатта, бош керак.**

"Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур" достонидаги қайси бир шеърни таҳлил этмайлик, унинг "Бобурнома"дан олинган парча ёки шеърий мисраларни тўлдириб келганлиги, Бобур айтиб улгурмаган дил ҳасратларини шеърий мисраларда дилкаш оҳангда баён этганлигини кўрамиз. Ушбу услуб шоирнинг Бобур ғазалларига ёзилган бир қатор мухаммасларида ҳам кўзга ташланади. Аслида мухаммас шоирнинг танланган шеъридан кам бўлмаган даражада бадиий асар яратишни талаб қилади. Шу маънода айтиш мумкинки, Сирожиддин бу вазифанинг уддасидан чиққан. Китобдан жой олган мухаммаслари Бобурнинг мақсади, орзу-армонлари, ҳасратлари ва қувончлари билан ҳамоҳанг жаранглаган. Бобурнинг "Жамолинг васфини, эй ой..." ғазалига битилган мухаммасдан қуйидаги бир банд фикримизга далил бўла олади, деб ўйлаймиз:

**Висолидин умид этган**
**чидайдур ҳам фироқига,**
**Сариқ бир лоладекдурмен**
**ҳажринг дашту тоғига.**
**Агар қисмат яқин этмас**
**мени қошу қабоғига,**
**Муяссар бўлмаса бошимни**
**қўймоғлиқ аёғига,**
**Бошимни олиб, эй Бобур,**
**аёқ етгунча кетгаймен.**

Достондаги қайси бир шеърни олмайлик, унда шоирнинг бадиий маҳоратга, Бобур шахсияти ва ижодини тавсифловчи жозиб мисраларнинг шеърий таҳлилига кўзимиз тушади. Бу шеърлар таркибида мақолу зарбулмасал, ҳикматли фикрларни кўрамиз. Муҳими, бу мисралар бевосита Бобур ҳаёти ва дунёқараши қирраларини очиқ-ойдин ёритиб беради. Масалан, "Йигит умри паришон саҳфалардай заъфарон бўлмиш, Паришон рўзғоримдай паришон ҳар сўзимдан айт", "Қани роз аҳликим, рози дилимдин роз ўрганса, Жаранг кўнглимнинг торидин суруду соз ўрганса", "Менинг қисматимга ёғди барча қору ёмғирлари", "Дилимнинг жоми бирлан лоланинг жомини тўлдирдим" сингари сатрлардан бобурона руҳ ва кайфиятни ҳис этиш мумкин.

Биз таниқли шоиримиз Сирожиддин Саййидни Бобурни англаш бахти билан қутлаб, унга буюк салафларимиз руҳи ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

## "Ватан учун яшайлик"

Маълумки, мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб ёзувчи-шоирлар, публицист қаламкашлар ўртасида "Ватан учун яшайлик" танлови ўтказилган эди. Ушбу танловнинг ғолиблари — муаллифларнинг матбуотдаги чиқишлари ўқувчиларимиз орасида қизғин кутиб олинди. Ана шу танлов ғолибларининг эълон қилинган асарлари айни жорий йилимиз поёнига етиб бораётган бир пайтда ўқувчилар қўлига китоб ҳолида етиб борди.




"Адиб" нашриётида чоп этилган ушбу тўпламдан халқимизнинг ардоқли шоирлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг шеърлари ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, халқ шоирлари Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзоларнинг мақола ва шеърий асарлари ҳам китоб мундарижасини бойитган. Китобда, шунингдек, халқимизнинг бир қатор севимли шоир ва ёзувчиларининг Ватан, она диёр тараннумига бағишланган шеър ҳамда ҳикояларини ўқийсиз.

Тўплам муҳаррири Бобур Ғиёсов, адади беш минг нусха.

Доимий ҳамроҳ

## "АРАСТУДАН ЧЎЛПОНГАЧА"

Шу номда "Мумтоз сўз" нашриёти томонидан чоп этилган рисолага таниқли адабиётшунос олим, адиб ва таржимон Маҳкам Маҳмудов ҳақида замондошларининг дил сўзлари жамланган. Китобга профессор Ҳамидулла Болтабоев сўзбоши ёзган.

Тўпламдан А.Расулов, У.Норматов, Н.Комилов, Т.Мирзаев сингари таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирларнинг Маҳкам Маҳмудовнинг ижодий йўли, бадиий ва таржима асарлари, тадқиқотлари таҳлил этилган мақолалари жой олган. Шунингдек, адибнинг инсоний фазилатлари, истеъдоди қирралари, маҳорати ва адабиёт ишига фидойилиги таърифтавсиф этилган.

Жумладан, профессор А.Расулов мақоласида шундай ёзади: "Маҳкам Маҳмудов расман 70 ёшга тўлди. Лекин илмий-ижодий, педагоглик, журналистлик фаолияти, ўқиган китоблари, қилган таржималари, ёзган бадиий асарлари сира 70 йил ҳажмига сиғмайди".




"Арастудан Чўлпонгача" рисоласининг сўнгги саҳифаларидан олим билан қилинган адабий суҳбатлар ва унга бағишлаб ёзилган шеърий туҳфалар жой олган. Илова сифатида берилган библиографияда М.Маҳмудовнинг адабиётшуносликка, фалсафа ва тарихга, санъатшуносликка доир тадқиқотлари, бадиий асарлари, илмий ва бадиий таржималари рўйхати келтирилган. Нашр масъул муҳаррирлари филология фанлари доктори А.Расулов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

# БИР УМР УНУТМАЙМИЗ

"Дўрмон ижод" уйида улуғ устозлардан сабоқ олганимни бир умр унутмайман. Ҳеч кимдан эшитмаган ўгитларимни, сабоқларимни шу даргоҳда тингладим ва ўз устимда янада кўпроқ ишлашим лозим эканини тушундим.

**Малоҳат ОДИЛОВА**

*Наманган*

Ситора ТОШМАТОВА

## ОНАМГА

**Биргина ширин сўз кўнгил ололмас,**
**Олса ҳам бир умр дилингда қолмас,**
**Юлдузлар тунларни ёрита олмас,**
**Қоронғу кечалар ойга зормикан,**
**Дунёда онамдек аёл бормикан?**

**Яратгандан фақат тирноқ тилаган,**
**Алла, деб бешикка бола белаган,**
**Оқшомларни бедор тонгга улаган,**
**Қоронғу кечалар ойга зормикан,**
**Дунёда онамдек аёл бормикан?**

**Ёлғизлик кўнгилга неларни солмас,**
**Онам ёнимда, бас, армоним бўлмас,**
**Онамдан ўзгаси кўнглим ололмас,**
**Она меҳри шунча улуғвормикан,**
**Дунёда онамдек аёл бормикан?**

**Дунёда нима бор онадек суюк,**
**Она меҳри боис Ватан ҳам буюк,**
**Онадан қарзимиз бўйнимизда юк,**
**Баланд чўққиларнинг боши қормикан,**
**Менинг онам каби аёл бормикан?**

*Тошкент вилояти*

Сайфулла ШОМУРОДОВ

## УЛУҒ МУАЛЛИМ

**Маърифат боғининг боғбонидирсиз,**
**Илм юлдуз бўлса, осмонидирсиз.**
**Келажак карвонин сарбонидирсиз,**
**Меҳрибон устозим — улуғ муаллим!**

**Меҳр-ла шогирдга улашиб савод,**
**Сиз борсиз кундан-кун яшарар ҳаёт,**
**Устозга бош эгган Навоийдек зот,**
**Сиз азиз устозим — улуғ муаллим!**

**Дунё кенг хонаю устоз унда шам,**
**Гар зиё таратса дилдан кетар ғам,**
**Қалбдаги сурурим, энг улуғ туҳфам**
**Сиз учун, устозим, улуғ муаллим!**

**Илмга содиқман, бу менинг фарзим,**
**Минг йил хизмат қилиб, тугамас қарзим,**
**Бош ерга теккунча айлайин таъзим,**
**Сиз учун, устозим, улуғ муаллим!**

*Сурхондарё*

Раҳмиддин АБРАЕВ

## ЧАШМА

**Мажнунтол остида оқади чашма,**
**Шул чашма бўйига элтади хаёл.**
**Балки ушбу чашма севгига ташна,**
**Балки у йиғламиш бир ошиқ мисол.**

**Наҳот чашма қилур ҳижронда нола,**
**Севимли ёрига интизор бўлиб.**
**Наҳот кўз ёшлари шашқатор, жола,**
**Инсон шалоладан завқланар кулиб.**

**Ахир, инсонлар ҳам ушбу чашмадан**
**Ҳар дам ўтганида сув ичар қониб.**
**Эҳтиросга тўла қалби ташна ҳам**
**Ўз ирмоғи томон югурар ёниб.**

*Бухоро*



* * *

Сўз масъулиятини устоз Абдулла Ориповнинг фикрларини тинглагач янада чуқур, янада теран ҳис қилдим. Шеърдан шеърга, асардан асарга ўсиш учун устоз ижодкорлар китобларини бир умр кўнгилга сирдош, тафаккурга йўлдош қилиш зарурлигини ўзим учун ибратли хулоса қилдим.

**Ирода МУҲИДДИНОВА**

*Жиззах*

* * *

Дунёда ўзбек тилига ҳали таржима қилинмаган қанчадан-қанча асарлар бор. Ёки бизнинг ижодкорларимиз асарларини хорижий тилларга ўгириш вазифаси ҳам жуда улкан. Шу ўринда, устоз Иброҳим Ғафуровнинг ўгитлари менга бутун бир дарс бўлди.

**Хуршида РУСТАМОВА**

*Сирдарё*

Гулжаҳон САЙТНАЗАРОВА

## ВАТАНИМ

**Боғлари бор гул-гулистон,**
**Бул ажойиб гўзал бўстон,**
**Тарихи бор тилда достон,**
**Ватаним — Қорақалпоғистон.**

**Сен муқаддас бешигимсан,**
**Ўтовимсан, эшигимсан,**
**Бердах, Аёз Ошиғимсан,**
**Ватаним — Қорақалпоғистон.**

**Зувалам қорилган тупроқ,**
**Илдизимсан, мен бир япроқ,**
**Асл одамзотга урпоқ,**
**Ватаним — Қорақалпоғистон.**

**Даштда булбуллар сайрашар,**
**Амударё тўлиб-тошар,**
**Оролим бор мангу яшар,**
**Ватаним — Қорақалпоғистон.**

**Мустақиллик — нурли замон**
**Эл-юртимга бўлди дармон,**
**Кўнгилда қолмади армон,**
**Ватанимсан, Ўзбекистон!**

**Қорақалпоқчадан**
**Рустам МУСУРМОН таржимаси.**



Жавлон МАТНАЗАРОВ

## ҚИЗ ВА КЎЗГУ

**Дийдорингга эришдинг, гулим,**
**Кўз кўришди кўзгуда кўзинг.**
**Чиройингдан ажиб ҳол бўлиб,**
**Лангиллайди олмадай юзинг.**

**Киприкларинг қалиндир сафи,**
**Қароқларинг ловуллар ёниб.**
**Кўзгу эса ўз бахтига ғарқ,**
**Сени бошқалардан қизғониб.**

**Жилмаясан кўзгу қошида,**
**Тиниқлашар кўзгунинг кўзи.**
**Акслантирган учун ҳуснингни**
**Кўзгу мамнун ўзидан-ўзи.**

**Шундай ўтар кўзгунинг умри,**
**Аслида нияти пок, эзгу.**
**Сен келгунча худбин эмас у,**
**Сен келгунча саҳийдир кўзгу.**

**Висол дами еттими тамом,**
**Кўзгу эски ҳунарин бошлар.**
**Шундай, баъзан тошдан бўлса ҳам,**
**Аврай олар одамни тошлар.**

**Дийдорлашган пайтингиз иков,**
**Жонланар ва кўзгу урар барқ.**
**Мени эса бундай пайтларда**
**Кўзгумаслик рашкка қилар ғарқ.**

*Хоразм*

* * *

Насрда қалам тебратиш энг машаққатли, аммо шарафли адабий жанрлардан бири эканини устоз Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаевларнинг руҳи кезиб турган шу даргоҳда янада теранроқ англагандай бўлдим.

**Малика САЙФИЕВА**

*Қашқадарё*

Музаффар ДОСТОН

## Қирқ кокил

**Қирқ кокил малагим, тўхта, сочларинг**
**Мендан юзларингни яширмасинлар.**
**Ахир, сен мен учун яралган гулсан,**
**Сабримнинг косасин тоширмасинлар.**

**Қирқ кокил малагим, айтгил, сочларинг**
**Қора кўзларингга парда тортмасин.**
**Қалбимни аламлар ёндирди-ку, бас,**
**Яна юрагимга ғамлар ортмасин.**

**Йўқ, мени сен асло этолмайсан тарк,**
**Ҳали қанча умид, имконларим бор.**
**Мен сенсиз яшолмам, кўзларингни арт,**
**Қирқта кокилингда қирқта жоним бор.**

*Навоий*

* * *

Адабий танқид — адабиётнинг иккинчи қанотидир. Адабиётшунослик муаммолари хусусида "Дўрмон" ижод уйидаги сабоқлар, айниқса домла Ҳамидулла Болтабоевнинг фикрлари мен учун мен учун янги йўл очди.

**Дилшода ҲАЛИМЖОНОВА**

Фарғона

## "КАФТДАГИ НИҲОЛ"

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланган ёшлар баёзи — "Кафтдаги ниҳол" китобига мамлакатимизнинг турли ҳудудларида униб-ўсиб келаётган навқирон қаламкашларнинг назмда, насрда ва адабиётшунослик соҳаларидаги машқлари жамланган.



Ушбу баёзни ёш ижодкорлар ўзларига билдирилган ишонч, эътибор, деб қарашлари, келгусида бу каби ғамхўрликларга бадиий баркамол асарлар билан жавоб қайтаришдек масъулиятни зиммаларига олишлари табиий. Нашр масъул муҳаррири Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо китобга ёзган сўзбошида таъкидлаганидек, "... улар бундай ғамхўрликни, эътибору эътирофни вақтида англай олсалар бўлди. Мана шу ишонч, мана шу рағбат чин ижодкор учун битмас-туганмас илҳом манбаидир".

Баёздаги аксарият ижодкор ёшлар шеърларида Ватан мадҳи жозиб образлар, ёрқин тимсоллар воситасида тараннум этилади. Жумладан, Рухсора Тўлабоева "Ватан" шеърида шундай ёзади:

**Самодан ел бўлиб бағрингга елай,**
**Ҳар қарич ерингни меҳримга белай,**
**Соғинсам, сен дея сиғиниб келай,**
**Ватан, сендан ўзга йўқдир саждагоҳ.**

Ёш шоирлар Маъмура Ёқубова, Жўрабек Жаҳон, Садоқат Неъматова, Ботир Абдуллаев, Ренис Мишоян шеърларида ҳам ана шундай самимий туйғуларга бой мисраларни ўқийсиз. Навқирон авлоднинг насрдаги изланишлари ҳам эътиборни тортади. Баёздаги Иномжон Абдиев, Гўзалой Матёқубова, Бахтиёр Абдуғафур ва бошқа ёш ёзувчиларнинг ҳикояларида замондошимизнинг куюнчак, интилувчан образлари, ҳаётдаги қувонч ва ташвишлари таъсирчан тасвирланган. Адабиётшунос ёшлардан Муҳайё Йўлдошева ва Нафосат Ўроқованинг тадқиқотларида таниқли адиб ва шоирларимизнинг айрим насрий ва назмий асарлари синчковлик билан таҳлил этилган.

"Кафтдаги ниҳол" ёшлар баёзи адабиётимизга кириб келаётган навқирон авлод сафи ортиб, иқтидорли қаламкашлар ҳисобига бу давра кенгайиб бораётганидан далолат беради.

*Ҳикоя*

## ТЕГИРМОН

— Ота, — дедим Жамол бободан олган пойтеша билан ёғоч чопаётган отамга эшак устидан тушар-тушмас, — «Можа» нима дегани?

— Саримсоқ бобонг айтдими бу гапни? Қўявер, эътибор берма.

— Ёмон гапми, ота?

— Ёмон гапмас-у, — отам ишини тўхтатиб менга қаради, — ун қани? Чиқариб кемадингми?

— Ташлаб келдим, навбат экан. Салим ака билан Жўра акани буғдойини чиқариб, кейин бизникини. Шунга ташлаб келавердим, совуқда ўтирмай деб.

— Қайси тегирмонга ташлаб келдинг? — отам энди ишини бутунлай тўхтатиб қўйди. Ўрнидан туриб чопонининг этагига ёпишган пайраҳа ва ёғоч қипиқларини қоқа бошлади.

— Малик аканикига, — шошиб жавоб бердим мен. — Нуриддин ака тегирмон тошини тишаётган экан, эртага ишлайди, деди. Шунга, келаётиб Малик аканикига туширдим.

— Хаҳ, — деб қўйди отам бошини сарак-сарак қилиб. — Ташлаб келар экансан, Нуриддинникига қолдиравермайсанми?

— Энам уйда ун қолмади, деганди. Эртага нон ёпиши керак экан, — дедим ўзимни оқлаш учун бошқа гап тополмай.

Аслида онам қўшнидан ун олиб, нон ёпаётган эди. Отам менга бир ёв қараш қилди-да: «Бор, уловни бостирмага бойлаб кел», деди. Эшакнинг айилини бўшатаётган вақтим отамнинг энамга айтаётган гапи эшитилди: «Тегирмонинг билан бозорингни ўзинг қил, деган гап чин-да. Мана бу Кенжангга ҳеч ақл битмади-битмади. Ҳар бир нарсани ипидан игнасигача айтиб туриш керак. Қачон ўзи ўйлаб, фикрлаб иш қилади, билмайман?!»

Ҳеч нарсадан бехабар онам отамнинг койинишини эшитса ҳам нонини ёпиб бўлгунча гапирмади. Мен бўлсам супанинг ёнига ўтиб, бошимни хам қилганча кўз остимдан уларга қараб турардим. Биламан, онам барибир менинг тарафимни олади. Энам нонларни ёпиб бўлгач, қўлидан рапидани ечди ва идишдан сув олиб, нонларининг юзига сепаётиб сўради:

— Нима гап? Кенжа нима қипти?

— Нима қиларди, буғдойди Маликди тегирмонига ташлаб кепти.

— Шунга шунчами? Ҳали бола-ку бунингиз, — онам кулиб тандирдаги нонларга эгилиб қарай бошлади. — Энди ўн иккига кирган бўлса? Ҳозирдан оғир ишларни қилдирасиз?

— Юзга кирсаям бола бола-да сен учун. Бу тенгилар шаҳарда пирма юргизяпти, магазин очяпти. Керак бўлса Амир Темур ўн икки ёшида тахтга ўтирган.

— Амир Темурмас, — отамнинг гапига тузатиш киритган бўлди онам, — Бобур. Бобур тахтга ўтирган ўн икки ёшида. Уни замони бошқа бўган. Мажбурликдан ўтирган. Кенжангиз айни ўқийдиган вақти бошини қора меҳнатга тиқиб қўйяпсиз?

— Фақат ўқишдимас, ҳаётни ҳам ўрганиш керак бола, — деди отам онамга ён бергиси келмай. — Келажакда оғзидагини олдириб қўймайди. Ҳозирдан латта бўлса...

Отам гапининг давомини айтмади. Нечукдир маъюс тортиб жимиб қолди.

— Буғдойди ташлаб келгани учун латта деяпсизми? — энам энди кўчамиздаги жанжалкаш Рихси холага ўхшаб қўлларини белига «Ф» қилганча, мени оқлаш учун тандир олдида ғоз турарди. — Кечгача олиб келадида. Улгурмаса, эртага олиб келар.

Отам тандирхонадаги лой ғиштдан кўтарилган тахта ўриндиққа бориб ўтирди. Кейин мени имлаб чақирди:

— Кенжа, бу ёққа кел.

Мен отамнинг меҳр билан чақиришидан ийиб, олдига ошиқдим. Отам ёнига ўтирғизиб, елкамни сийпаб эркалаган бўлди. Кейин насиҳат қилаётган кишилардай гапира бошлади. Шу пайт отамнинг гапириши мулла Шамсиддиннинг ваъзларига ўхшаб кетди. Отам ҳеч бундай гапирмас эди.

— Ҳар ким ўзига тўғри бўлиши керак, қолаверса, пишиқ ҳам. Бир ҳовуч буғдой учун мошоқ терганимиз эсингдан чиқдими, онаси? — отам онамга юзланди, — терганимиз майли, ўша буғдойни яшириб, юрагимизни ҳовучлаб уйга келардик. Худога шукр, у даврлар ўтиб кетди. Энди тўқликка шўхлик деб кўчага сочиб қўймаслик керак. Мен Нуриддинга ишонаман. Малик ҳам ёмон бола эмас, фақат қўли бироз эгри. Ғийбатини қилмайин деб сенга айтмагандим. Тегирмонда тарозидан ураркан. Бу энг ёмон нарса — катта гуноҳ. Ўша ҳаром пули билан тегирмонини саройга ўхшатиб қўйган. Унга кетган тахтанинг ўзига бир иморат битади. Оқибатини ўйламагани учун ҳам Маликни хушламайман. Кенжамни алдаб юборишини ўйлаб койингандим.

Отамнинг гапларини эшитиб, ичимда бир нима узилгандай бўлди. Худди тегирмонга қайтиб борсам Малик ака қўлимга ярим қоп ун бериб, қайтариб юборадигандай туюлди. Падаримнинг пинжига суқилиб «Энди нима қилай, ота?» — дедим.

— Бирга борамиз, — деди у елкамга қоқиб.

Бу орада энам тандирдан нонларни узиб, саватга тера бошлади. Димоғимга урилган ноннинг ёқимли ҳидидан иштаҳам очилиб, бояги дилхираликларни унутгандай бўлдим.

Малик аканинг тегирмонига кечга яқин жўнадик. Йўлда яна Саримсоқ бобони учратдик. У киши боғида, қабрларга ўхшатиб кўмиб қўйилган токзорини оралаб юрарди. Отам салом берди, мен ҳам. Саримсоқ бобо алик олгач, «Ҳа, йўл бўлсин кеч бўлганда?», деди.

— Тегирмонга, — деди отам эшакнинг биқинига оёғи билан ниқтаб. — Неварангиз буғдой ташлаб келган эди, шунга...

— Ҳа-а, — деди Саримсоқ бобо чап қўли билан соқолини силаб. — Ўғлингди боя кўрган эдим. Унга «Отангга айт, сени кўп ишлатавермасин, можа бўлиб қоласан», дедим. Сенга айтдими?

— Қўйсангиз-чи ака шундай гапларни. Болаларни авайлайверсангиз қиз боладай нозик бўп қолади. Ҳозирдан суяги қотмаса биз дунёдан ўтгандан кейин қийналади.

Саримсоқ бобо яна нимадир деди, лекин биз у кишидан анча узоқлашиб қолганимиз сабаб эшитмадим. Йўрғалаб кетаётган эшак устида отам билан мингашиб борарканман сўрадим:

— Ота, можа бўп қолади, дегани нима дегани?

— Бу Саримсоқ бобонг ўйлаб топган гап. Майда бўлиб ўсмай қолади, дегани бўлса керак. Одамнинг суягида бўлса ўсиб кетади. Меҳнатдан ўсмаса, ота-бобомиз ўсмай қоларди, мен ўсмай қолардим. Сендай вақтимда колхозда ишлардик. Қоп-қоп буғдой-арпа таширдик. Ҳозиргидай эллик килолик қоплар кам бўларди. Ҳаммаси "етмишлик" эди.

Отам тегирмонга етгунимизча болалиги ҳақида ҳикоя қилиб борди. Малик ака бизнинг буғдойни дўлга солиб энди чиқараётган экан. Отам «Неччи кило чиқди?» деб сўради.

— Қирқ тўрт кило, — жавоб берди Малик ака.

Отам менга бир қараб қўйди-да:

— Йўл-пўлда тушириб қўймаганмидинг, Кенжа? — деди. Отамнинг жаҳли чиққани юз-кўзидан билиниб турарди.



— Йўқ, — дедим аста. — Сиз ўнгариб берган кўйи опкелиб туширдим.

— Унда мени тарозим алдабди-да, — деди отам жаҳлланиб, — қирқ тўққиз кило тортгандим.

— Мени ўғрига чиқаряпсизми? — деди Малик ака ҳам қизишиб. — Тарози — Худо рози, деган гап бор, ака. Ҳаққингиз керак эмас. Бир қопингиздан икки ярим кило оламан меҳнатим учун, шу ҳам етади бола-чақамга.

Отам индамади. "Мен адашгандирман-да", деб қўйди, холос. Кейин киссасидан занжирли соатини чиқариб қараб қўйди-да:

— Қанча вақтда чиқади? — деди.

— Ярим соатларга бориб қолар. Сизлар у хонага кириб чой ичиб ўтиринглар, — деди Малик ака ҳожатмандлар кириб ўтирадиган хонасини кўрсатиб. Сўнг уннинг гарди ўтириб қолган телпагини ечиб кафтига уриб яхшилаб қоқди. — Ҳаш-паш дегунча бўлиб қолади.

Биз Малик ака кўрсатган хонага кирдик. Ташқарида кузнинг аёзли туни бошланган, келгунимизча совуқ ўтиб кетгани учун ўзимни гуриллаб ёниб турган печка олдига урдим. Отам сўрига чиқиб ўтирди. Кейин Малик ака узатган чойни олиб олдига қўйди, лекин ичмади. Унинг меҳрибончилигидан ёлғон гапирмаса керак, деб ўйладим. Аммо шу пайтда кимга ишонишни ҳам билмас эдим. Бир пиёла чой ичгулик вақт ўтмай чироқ ўчиб қолди. Бир маромда ишлаб турган тегирмон бир нима тиқилиб қолгандай «ғи-ирқ» этган узун товуш чиқариб тўхтади. Малик ака шошганича чиқиб кетди. Қоронғуда туртиниб-туртиниб биз ҳам ортидан чиқдик.

— Шунча пайт ўчмаган токнинг бугун ўчганини қаранг, — деди тегирмончи чироқ ёқаётиб. — Келиб қолар.

— Чиққанини тортиб бер, — деди отам тунд оҳангда. Қолганини чиқариб қўйсанг, Кенжа олиб кетади.

Малик ака ҳозиргина чиққан иссиқ унни тортиб қопга сола бошлади. Мен ёрдамлашдим. Фонар ёруғида унни тарозиладик: ўн тўққиз кило экан. Қопнинг оғзини боғлаб эшакка ортдик-да, уйга қайтдик.

Кечки овқатдан кейин отам дастурхонга фотиҳа ўқиётиб «Болаларимнинг ҳаққини еганларнинг болаларига балоси урсин» деди. Онам эса бу гапга «Астағфируллоҳ, ундай деманг, сизнинг ҳам болаларингиз бор. Қарғишнинг оқибати яхши эмас», деди. Ўша куни кечаси билан иситма қилиб ухлолмай чиқдим. Тонг отганда кўзим илинибди. Бир пайт онамнинг гапларидан уйғониб кетдим.

— Маликнинг тегирмони ёниб кетибди, токдан ўт чиққанмиш. Бечорага жабр бўлибди-да. Сизга айтдим, қарғаманг, деб. Ҳали ҳам Худо асраб жони омон қолибди. Ўтни ўчираман деб озроқ куйганмиш. Балнисага олиб кетишибди.

— Гуноҳкор бандангни ўзинг кечир! — деди отам маҳзун товуш билан осмонга қараб. Кейин оғир қадам ташлаб ташқарига чиқиб кетди.

Отам Худодан ўзини кечиришини сўрадими ё Малик акани, бунисини билмадим.

**Аслиддин МУСТАФОЕВ**

*Самарқанд*



## УСТОЗ СЎЗИ ҚАНОТДИР

Кўнглимга ҳаяжон солган ушбу анжуман «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» дея илгари сурилган эзгу ғоянинг амалий ифодаси бўлди. «Дўрмон» ижод уйи яна бир янги авлодни ўз бағрига олди. Тенгдошларим чеҳрасидаги қувонч ва ифтихордан устозларнинг мамнунликларини сездик. Бугун ҳам «Истеъдод мактаби» 2-Республика семинари сабаб орзуларимиз ижобатининг нишонаси, ёруғ йўли сифатида биз ёш ижодкорларни ушбу муқаддас гўша дийдорлаштирди. Устозларнинг айтган ушбу сўзи бизга қанотдир: «Бундан кейинги адабиётни ёшларнинг орзулари ва қалби яратади».

**Гулчеҳра АШУРОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

# “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — САНЪАТКОР ОДОБИ МЕЗОНИ”

## “ЎзАС”, 2011 йил 25 ноябр, №48

**Акс-садо**

Санъаткор одоби асрлар давомида халқимиз маънавиятининг кўзгуси сифатида эътироф этиб келинган ва санъат аҳли ҳам ўз касбларига садоқат билан ёндашиб, ўрнак даражасида фаолият юритиб келганлар. Бу масала асрлар давомида давлат арбоблари, етук алломалар ва барча касб эгаларининг диққат марказида бўлгани ҳам сир эмас. Уларнинг санъаткор одоби мезонларига доир қарашлари авлоддан авлодга ўтиб маънавий тарбия борасида беминнат хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, Унсурулмаоний Кайковуснинг “Қобуснома”, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис” асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари ҳам ўтмишдаги буюк алломаларнинг анъаналарини давом эттирувчи бебаҳо манба сифатида айниқса, қадрлидир.

IX асрда яратилган “Қобуснома”да давлат раҳнамоси ўз фарзандига насиҳат қилар экан, шундай ёзади: “Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок мутайяб (хушрўй) ва хушзабон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлғил, ярамас хулқ, қўпол башара бўлмағил”. Муаллиф шу услубда ҳофиз ва созанданинг эл ардоғига эришиши учун зарур бўлган фазилатларни бирма-бир баён этади. “Агар беназир устод бўлсанг ҳам мажлисдаги ҳарифларга (улфатларга) қарағил”, яъни, тингловчи-мухлислардан эътиборингни узма, деб таъкидлайди. Санъатда эъзоз топишнинг энг гўзал анъаналари, одоби, илми ва амалиёти хусусида сабоқ беради. Мусиқа инсоният учун энг улуғ неъматлардан бири эканига ишорат қилади.

XV асрнинг беназир алломаси Алишер Навоий бу масалага янада мутафаккирона ёндашади. Шоиру аллома, мутриб ва муғаннийларнинг касбий жиҳатлари орқали уларни таъриф ва тасниф этади. Хусусан, “Маҳбуб ул-қулуб”да шундай деб ёзади: “Шодлик оширувчи хонанда: ғамни тарқатувчи созанда — буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар. Модомики, улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади”. Бу билан ҳазрат Навоий мусиқанинг инсон ҳаётидаги асосий омиллардан бири, инсон ҳаётининг мазмунига таъсир этувчи, муваффақиятларига илҳом берувчи куч эканини гўзал тарзда таърифлайди. “Очиқ чеҳрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади”, дейди ҳазрат Навоий.

Дарҳақиқат, оҳанглар таъсирида инсон ҳаёт учун, маънавий дунёси учун энг керакли озиқни олади. Навоий бобомиз “Мажолис ун-нафоис” асарида эл ардоғига эришган санъаткорлар таърифини келтирганлари ҳам бежиз эмас.

Санъат ва санъаткор маънавияти бугунги кунда ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Ўз фаолияти билан халқ маънавиятини бойитишга хизмат қилган устоз санъаткорлар ҳамиша халқ ардоғида бўлиб келганлар. Ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчи, Ҳожихон, Жўрахон, Комилжон, Маъмуржону Орифхон устозлар номининг ўзи халқимиз қалб тўридан жой олган. Улар ҳақида битилаётган рисолаю мақолалар, олинган кинолавҳалару мўйқалам усталари яратган тасвирлар бунга ёрқин мисолдир. Халқимиз Комилжон Отаниёзов ёки Муҳаммаджон Каримов каби санъаткорларнинг одоби, ахлоқи ва фаолиятини доимо ибрат сифатида тилга олиб, уларнинг пок номларини эъзоз этади.

Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида ўзбек санъати довруғига довруқ қўшган уста санъаткорлар фаолиятига жуда катта баҳо беради, “Инсон руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди” деб таъкидлайди. Миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайдиган, тилга беписанд ҳолда ижро этилган қўшиқларнинг ёшларга таъсири ҳақида сўзлаб юртбошимиз шундай дейди: “Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас.

Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади”. Санъаткорлар халқ маънавиятининг кўзгуси эканлигини унутмайлик. Санъаткор истеъдоди, устозлардан олган сабоғи, заҳматли меҳнати, ижрочилик фаолияти билан инсон маънавиятини юксалтиришда хизмат қилади. Бинобарин, эл ардоғига сазовор бўлиш учун устозлар анъаналарига содиқ бўлиб, санъатга сидқидилдан беғараз хизмат қилиш ҳар бир санъаткорнинг шиори бўлмоғи лозим.

**Сойибжон БЕГМАТОВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди**

---

**Тасвирий санъат асарларига баҳо бериб, дид ва савиямизни оширишда санъатшунос мутахассисларга эҳтиёж сезамиз. Ижодкор ва томошабин ўртасида ўзига хос кўприк бўлаётган шундай мутахассисларимиз сафида адиб ва санъатшунос Нодир Норматовнинг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис суҳбатимиз тасвирий санъат оламидаги бугунги жараёнлар ҳақида кечди.**

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ — КЎНГИЛ ҲОДИСАСИ

**Учрашув**

**— Бугун тасвирий санъат оддий рекламадан тортиб замонавий эстрада дизайнларига ҳам кириб бормоқда. Рассомлик, ҳайкалтарошлик соҳаларида юз берган ўзгаришлар ҳам ҳайратланарли. Мутахассис сифатида бу жараёнлар сизда қандай фикр уйғотади?**

— XX асрни бежиз турли “изм”лар даври деб аташмайди. Бунинг яққол исботини тасвирий санъат мисолида кўриш мумкин. Машҳур поляк рассоми, “Қора квадрат” картинасининг муаллифи Казимир Малеивич “Супрематизм — тасвирий санъат тараққиётидаги сўнгги чўққи” деган эди. Аммо қаёқда дейсиз, сюрреализм, кубизм, традиционализм, авангард, гиперреализм, поп-арт деган йўналишлар кўпайса кўпайдики, камайгани йўқ.

Дарҳақиқат, бугунги кўргазмаларга эътибор қаратар экансиз, ғаройиб ранг-барангликнинг гувоҳи бўласиз. Бир экспозициянинг ўзида турли услубда ишланган ўнлаб картиналар учрайди. Биласизми, модернистик йўналишлар юртимизга кириб келганига анча бўлган. Бироқ мустақиллик йилларида рассомларимиз замонавий йўналишда катта ютуқларга эришди. Муборак Йўлдошев, Ғафур Абдураҳмонов, Рустам Худойберганов, Абдували Мўминов каби катта авлод вакиллари ҳамон реализм услубида ижод қилаётган бўлса-да, аксарият рассомлар янгилик яратиш мақсадида эксперементларга қўл урмоқда.

**— Бунга ижобий ҳолат сифатида қараш мумкинми?**

Оқимларнинг энг мақбулини вақтнинг ўзи саралайди. Аммо бу жараёнда харидорнинг ҳам “улуш”и борлигини унутмаслик керак. Тасвирий санъат асарини қайси ўлчов ва мезонлардан келиб чиқиб баҳолаш лозим, деган савол ҳамиша долзарб бўлган. Одатда бу ҳолат давр эҳтиёжи билан белгиланса-да, асосий талаблар ўзгармай қолаверади. Бу бадиий талқиннинг бетакрорлиги, рангни чинакамига ҳис қилиш, чизматасвир пухталиги. Бугунги кунда мана шу жиҳатларни ҳис этмаган баъзи рассомлар матони ранг билан ғайритабиий усулда бўяб, бу авангард, деб тақдим қилишмоқда. Аммо профессионал билан ҳаваскор ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Тажрибасиз рассом асарида ранглар “кирлиги”, чизиқлар нотекислиги, композициянинг нотугаллиги кўзга ташланади. Шунга қарамай, иқтидорли рассомни ажратиб олиш осон эмас. Гоҳида бу жараёнда тажрибали мутахассислар ҳам иккиланади. Буни тасвирий санъатнинг ниҳоятда нозик ва сирли ижод тури эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Ж.Жойс, Ф.Кафка, И.Звево, Р.Мурзил каби авангард ёзувчилар асарларини идрок этишда ўқувчидан кенг дунёқараш талаб қилинганидек, рангтасвир оламини ҳис қилиш учун ҳам махсус тайёгарлик зарур.

Ҳозирги пайтда модернга нисбатан танқидий муносабат мавжудлиги рост. Буни табиий ҳолат сифатида қабул қилиш керак. Бирор янгиликнинг ўзига йўл топиши доимо қийин кечган. Бунда асосий мезон муаллифнинг маҳорати бўлиб қолаверади. Дарҳақиқат, Микеланжело билан Пикассони бир-бирига таққослаб бўлмайди. Бироқ уларнинг бирини бошқасидан устун қўйиш ҳам тўғри эмас. Ҳар иккиси ҳам ўз даврининг классиклари...

**— Ҳозир тасвирий санъатнинг қайси жанр ва йўналишларида яратилаётган асарларга эҳтиёж катта?**

— Тасвирий санъатда ҳар бир оқимнинг ўз мухлиси бор. Ҳатто саёз асарларга ўч томошабинлар ҳам топилади. Масалан, ўрта ёшдагилар реализмни афзал кўрса, ёшларга модерн кўпроқ маъқул. Дид масаласида баҳслашиб бўлмайди. Тўғри, реализм давр синовларини енгиб ўтган йўналиш. Аммо баъзи “реалист” рассомлар собиқ иттифоқ даврида ҳам, ҳозир ҳам чучмал асарлар яратавериб, томошабинлар кўнглини совитган пайтлар бўлди. Айтганимдек, муҳими йўналишда эмас, маҳорат ва иқтидорда. Чунки томошабинни ҳам, танқидчини ҳам биринчи галда натижа қизиқтиради. Дейлик, тасвирий санъат соҳасида жуда билимдон рассом сизга кўп нарсаларни гапириб беради-ю, ўзи чизган асарлар эса саёз бўлади. Нима учун? Бунинг сабаби оддий. Рангтасвир санъати ижодкордан назарий билимлардан ташқари ҳар кунги қўл меҳнатини ҳам талаб қилади. Қўл “чиқиб қолса” билимдонлик ҳам ёрдам бермайди!

**— Сиз нафақат санъатшунос, балки катта-кичик насрий асарлар муаллифисиз. Айтингчи, адабиётда ҳам тасвирий санъат соҳаларини тўлдирадиган, бойитадиган жиҳатлар мавжудми?**

— Адабиёт каби тасвирий санъат ҳам кўнгил ҳодисаси. Ушбу ижод турларининг бир-бирига таъсири азалдан маълум. Ҳазрат Навоий бобомиз Камолиддин Беҳзод каби миниатюра усталарига бежиз ҳомийлик қилмаган... Агар тарихга назар ташланса, адабиёт ривожланган даврда тасвирий санъат ҳам тараққий топганини гувоҳи бўламиз.

Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида эътироф этганидек “ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб, янги-янги ютуқларни қўлга киритаётгани, бу соҳага кўплаб ёш истеъдод эгаларини кириб келаётгани унинг равнақи ва истиқболидан далолат беради”.

Ўз ижодим мисолида гапирадиган бўлсам, бадиий адабиёт тилини тушунишда тасвирий санъат менга катта ёрдам берган. Очиғини айтганда, бу соҳага кириб келганимдан сўнг, дунёни янгидан кашф этдим, десам муболаға бўлмайди. Одамларнинг ташқи кўриниши, характери, пластик ҳаракатларига эътибор қиладиган, табиат тасвирларини полотнодаги тасвирлар билан таққослайдиган бўлдим. Мазкур билимлар бадиий ижодда ҳам қўл келди. Рангин дунё тасвирлари онгимга, худди рассом асаридек, қуюла бошлади. Бирор қисса ёки ҳикоя қораласам, рангтасвирдаги макон, композиция ўз-ўзидан, табиий ифодаланади.

**— Санъат асарларининг бадиий қиймати, ютуқ ва камчиликларини таҳлил этувчи билимдон, назари ўткир санъатшуносларга ҳамиша эҳтиёж катта. Бугунги тасвирий санъат танқидчилигининг савияси сизни қониқтирадими?**

— Очиғини айтганда, қалам тебратаётган аксарият санъатшуносларда ҳозиржавоблик етишмайди. Хабарингиз бор, юртимиз мустақилликка эришгач, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган халқаро кўргазмалар, биенналелар, тасвирий санъат ҳафталиклари ташкил этилмоқда. Аммо матбуот нашрларини кузатиб борсангиз бу тадбирлар, кўргазмалардаги асарлар ҳақида қисқа, расмий хабарлардан ортиғини тополмайсиз. Соҳага ихтисослашган нашрларда ҳам ўзбек тасвирий санъатида юз бераётган жараёнларнинг мукаммал таҳлили кўнгилдагидек эмас. Бир қарашда, соҳада изланиш олиб бораётган мутахассислар кўпдек туюлиши мумкин. Аммо матбуотда кўриниш бераётган муаллифлар бармоқ билан санарли. Мутахассислар орасида ёшлар сафи жуда сийрак. Ҳолбуки, бизда санъатшунос журналистларни етиштириб берувчи бир қанча олий ўқув юртлари мавжуд. Бундан ташқари, пойтахтимизда Марказий Осиёда ягона Санъатшунослик илмий тадқиқот институти фаолият кўрсатмоқда. Қисқа қилиб айтганда, яхши мутахассис бўлиш учун барча шароитлар муҳайё.

**— Нодир ака, сиз хизмат юзасидан хорижлик санъатшунослар билан ҳам кўп мулоқотда бўласиз. Айтингчи, чет эллардаги санъат танқидчилигининг қайси жиҳатларидан ўрганиш мумкин?**

— Албатта, хорижий ва биздаги танқидчилик орасида фарқ катта. Хорижлик мутахассислар таққослаш усулидан кенг фойдаланишади. Кичик деталдан тортиб, йирик объектгача таҳлил кўзи билан қарашади. Дейлик, Леонардо да Винчининг асари билан замонавий ижод намунасининг қайси томонлари муштарак эканлигини дарҳол сезишади ва далиллар келтиришга ҳаракат қилишади. Тавсифлар аниқ ва лўнда ёзилади. Уларнинг мақолаларини ўқиганда, худди кичик бир ҳикояни мутолаа қилгандек таассурот уйғонади. Тўғри, баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аксарият хорижлик мутахассислар субъектив фикрга катта урғу беришади. Мутахассиснинг ўз позициясига эга бўлиши яхши, бироқ ҳар қандай субъектив мулоҳазани меъёри бўлиши керак.

Мақолани турли чигал, кераксиз атамалар билан тўлдириб, “донолик қилиш” шарт эмас. Асосий муддао — таҳлил. Бу жиҳатдан рус танқидчилигининг сардорлари М.Алпатов, А.Каменский, А.Зингер, шунингдек Г.Пугаченкова, Л.Ремпин, Р.Оқтош, А.Ҳакимов, Н.Аҳмедова каби ўзбек мутахассисларининг ижоди диққатга сазовордир. Улар ёзган мақолаларни илм аҳли ҳам, оддий санъат ихлосмандлари ҳам мароқ билан ўқишади ва тушунишади. Қолаверса, танқидчининг вазифаси рассом ижодининг ўзига хос жиҳатларини илмда содда, равон тилда ёритиб беришдан иборат.


Акмал НУР. Натюрморт.

**Лазизжон БАҲРАНОВ**
**суҳбатлашди.**

---



Ўзбекистон давлат санъат институтида билим ва тажрибаси, маҳоратини ёш мутахассислар тарбиясига бағишлаб келаётган устозлар талайгина. Профессионал театршунослар тарбиялашда катта тажриба ва билимга эга устоз педагог Тешабой Баяндиев ана шундай фидойи инсонлардан.

Санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Тешабой Баяндиевнинг илмий ижоди, педагогик фаолиятига кўп йиллардан буён гувоҳман. Кечагидек ёдимда, институт даргоҳига эндигина қадам қўйган, талабаликка даъвогар ёш йигит-қизлар эдик. Шунда институт кутубхонасидан Т.Баяндиев қаламига мансуб “Мария Кузнецова”, “Замира Ҳидоятова” каби рисолалардан фойдаланардик. Китоб машҳур санъаткорларнинг бетакрор ижоди ва фаолиятини кўз ўнгимизда яққол намоён қилиш билан бирга, санъатшунослик соҳасига қизиқишимизни янада чўғлантириб юборгани ҳамон ёдимизда.

# УСТОЗ ТЕАТРШУНОС

Омадимиз бор экан талабаликнинг илк кунларидан Т.Баяндиев курсимизга дастлаб ғарб ва қардош халқлар театри, кейинчалик ўзбек театрининг тарихи ва бугуни ҳақида сабоқ берди. Устозни рус, ўзбек ва қорақалпоқ театрининг ҳақиқий билимдони десак муболаға бўлмайди. Қайси театр жамоаси, драматург, режиссёр ва актёрлари ҳақида сўз бормасин, уларнинг ижодий, бадиий қиёфаси ва ижро усули билан талабаларни яқиндан таништиришга интиларди. Шу боис домланинг дарсларини ҳаммамиз интиқлик билан кутардик.

**Икки оғиз дил сўзи**

Т.Баяндиев бир неча йилдирки, театр тарихидан сабоқ бериш билан бирга “Театршунослик” йўналишида таҳсил олаётган талабаларга раҳбар сифатида соҳа сирларини чуқур ўргатиб келмоқда. Домла ҳар бир талаба ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб шаклланиши учун қайғуради. Ҳеч кимдан маслаҳатини аямайди. Ўз соҳасига ҳурмати, талабчанлиги кўп йиллик мураббийлик фаолиятида яхши самара бермоқда.

Устоз матбуотдаги саҳна санъатига доир мақолалари, ўқув қўлланма ҳамда рисолалари орқали ҳам кўпларни театр санъатига ошно қилиб келмоқда. Сўнгги йилларда нашр этилган “Санъат масалалари театршунос нигоҳида”, “Театр и время” номли тўпламлари талабалар учун муҳим қўлланма бўлди. Унда устознинг мутахассис сифатидаги кузатувлари акс этган драматургия, режиссура ва актёрлик санъатининг ютуқ-камчиликлари таҳлил этилган. Қўлланмага киритилган ҳар бир тақриз талабаларни мавжуд пиеса ва спектаклларнинг бадиий-ғоявий жиҳатларидан хабардор қилади.

Баяндиевнинг кўплаб мақолалари ёш ўқитувчилар, талабаларнинг илк ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва ижодий изланишларга даъват этиш руҳи билан суғорилган. “Маннон Уйғур эстетикаси”, “Устоз шогирдлар наздида” каби мақолалари шу жиҳатдан диққатга сазовор. Устоз табаррук ёшини дўстлари ва шогирдлари даврасида қарши олмоқда. Ёшларнинг севимли мураббийси, сермаҳсул театршунос олим ва таржимон Тешабой Баяндиевга ҳамкасб дўстлари ва шогирдлари номидан мустаҳкам соғлиқ ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

**Фахриддин АБДУВОҲИДОВ,**
**Санъат институти катта ўқитувчиси**

---

# “ЁШ АВЛОДГА — МУСИҚА ТАРИХЧИСИДАН”




Ўзбек мусиқашунослиги яна бир зарур китоб билан бойиди. Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, мусиқашунос олим Вера Плунгян қаламига мансуб “Ёш авлодга — мусиқа тарихчисидан” деб номланган мазкур ўқув қўлланма мусиқа тарихини ўқитиш масалалари бўйича услубий тавсияларни ўз ичига олган.

Вера Плунгян “Педагогика — менинг тамаддуним”, “Ҳаётим сонатаси” каби китобларида мусиқага доир журналистика масалаларини батафсил ёритган.

Санъатшунослар эътиборига ҳавола этилаётган янги китобнинг илк сатрлариданоқ шу соҳа асосчиларидан бирининг профессионал қиёфаси намоён бўлади.

“Илмий-тарихий ғоялар ва уларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши” номли бўлимда муаллифнинг мусиқа тарихини ўқитиш жараёнида қўллаган услублари, жумладан, анкеталаштириш, таснифлаш, жадваллардан намуналар, мусиқа тарихи бўйича маъруза ҳамда семинар машғулотларнинг янги турлари каби кўплаб маълумотлар келтирилади.

**Доимий ҳамроҳ**

“Тарихий мавзулар бўйича чоп этилган мақолалар” ва “Тарихда қолган номлар” бўлимлари муаллиф ҳамда шогирдларининг матбуотда чоп этилган мақолаларидан иборат. Бундай усул мазкур китобнинг ўқув-услубий қўлланма сифатидаги моҳиятини белгилаб беради. Кейинги бўлимда муаллиф яратган адабиётларга турли олим ва санъат арбоблари томонидан ёзилган тақризлар жой олган. Сўнгги бўлимда В.Плунгяннинг Ўзбекистон ҳамда чет элларда мусиқа тарихи соҳасидаги фаолияти билан кенг танилган шогирдлари ҳақидаги материаллар берилган.

Китоб мусиқа ва санъат соҳаси мутахассислари, талабалар ҳамда мусиқага қизиқувчи барча ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**бастакор**

---

Ўзбекистон амалий санъат музейида “Қоракўл — табиат чизган нақшлар”деб номланган кўргазма очилди. Унда “Ўзбек қоракўли” компанияси корхоналарида жило топган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Қадим аждодларимиз терини оловдан ҳам илгари кашф этганлар. Ундан фойдаланишнинг қулай усуллари яратилиб, кўп ҳолларда пўстин ва чўгирма, телпаклар тайёрланган. Асрлар оша ҳунармандчиликнинг бу тури ривожланишга монанд ҳолда қоракўлчилик ҳам равнақ топиб борди. Қоракўл териларининг турли рангдаги чиройли, бетакрор гуллари унга бўлган эҳтиёжни оширибгина қолмай, қўнғир қоракўл, оқ қоракўл, шу-

# ТАБИАТ ЧИЗГАН НАҚШЛАР

нингдек кулранг, кумуш ва тилла рангда товланувчи тери берувчи қоракўл қўйларини кўпайтириш, бу борада наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этишни тақозо этди.

Юртимиз қоракўлчиликнинг тарихий ватани ҳисобланади. Ҳозирги кунда Афғонистон, Жанубий Африка, Туркманистон, Қозоғистон, Ироқ, Руминия, Молдава каби давлатларда ҳам қоракўл терилари етиштирилса-да, уларнинг энг қимматбаҳо ва машҳурлари Ўзбекистон, Афғонистон, Жанубий Африка қоракўлидир. Жаҳонда қоракўл териларининг олтмишга яқин тури мавжуд.

**Кўргазма залларида**

Санк-Петербургдаги халқаро аукционда ўзбек қоракўли ҳанузгача юқори баҳолаб келинмоқда. Ўзбек қоракўли енгил ва майинлиги, гажак гулининг зич жойлашгани билан ажралиб туради. Шу сабабли, бизнинг қоракўл териларимиз дунёнинг энг машҳур дизайнерлари коллекцияларидан муносиб ўрин эгаллаган. Ундан аёлларнинг турли бичимдаги энг қимматбаҳо кийимлари тикилади. Кўргазмада намойиш этилаётган қоракўл тери маҳсулотлари тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

---

# МУСАВВИР ЯРАТГАН БОҒ

Профессор Раҳим Аҳмедов нафақат улкан санъаткор, тасвирий санъат билимдони, айни чоқда, жонкуяр устоз, дўстларга садоқатли, самимий инсон эди.

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида атоқли мусаввир таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Унда рассомнинг бой ижод йўлини акс эттирувчи ранг-баранг полотнолар ўрин олган. Раҳим Аҳмедов асарларида XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида Ўзбекистон тасвирий санъатининг муҳим жиҳатлари ёрқин акс этган. Кўргазмада рассомнинг ўқиб юрган кезларида чизган асарларидан тортиб, ижодий камолотга эришган палласида яратган картиналаригача кўриш, фаолиятининг ҳар бир босқичида миллий ўзига хос асарлар яратганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айни шу асарлар ўзбек рассомлик мактабининг ривож топишида муҳим аҳамият касб этган.

Реалистик тасвир санъати анъаналарини маҳорат билан ўзлаштирган Раҳим Аҳмедов асарларида юксак инсонпарварлик ғояларини тараннум этди. Аёллар, деҳқонлар, чўпонлар ва атоқли арбоблар портретларида юртдошларимизнинг бетакрор қиёфаларини, олийҳимматлиги ва меҳнатсеварлигини ёрқин тасвирлади. У яратган образлар тасвир услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг барчаси юксак маҳорат маҳсулидир. Чунончи, “Она ўйлари”, “Тонг. Оналик” сингари асарлари тасвирий санъатимизнинг мумтоз намуналарига айланиб улгурди. Уларда гўзал табиат манзаралари нафис ва ёрқин бўёқларда акс этган. Айниқса, рассомга катта шуҳрат келтирган “Тонг. Оналик” асари томошабинда ҳаётга муҳаббат ҳиссини кучайтиради.

1953 йилдан 2008 йилгача республика ва халқаро миқёсда ўтган барча кўргазмаларда иштирок этган мусаввир асарлари дунёнинг қатор мамлакатлари музейлари ва шахсий тўпламларда сақланмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг ўзбек тасвирий санъати равнақи йўлидаги хизматлари мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан муносиб тақдирланди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари “Ижод” уюшмаси, Тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида уюштирилган кўргазмадаги асарлар рассомнинг бутун ижодини қамраб олганлиги билан эътиборлидир.

**САРВАРА**

---

Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрида “Абдулла қувноқнинг ҳангомалари” номли спектакл тақдимоти бўлиб ўтди.

Тўра Қобил пиесаси асосида режиссёр Турғунпўлат Йўлдошев саҳналаштирган асарда болажонларнинг қизиқувчанлигини оширишга хизмат қилувчи кўпгина янги сюжетлар қўғирчоқлар тилидан ҳикоя қилинади. Саҳнага мос

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

безакларни рассом Мирзоҳид Маматов, либосларни Гўзал Абдуллаева ишлаган.

**Э.МИНГБОЕВА**

* * *

Бадиий академия кўргазмалар залида намойиш этилаётган “Она Ватанимиз — Ўзбекистон” кўргазмасида асосан ёш ижодкорларнинг ватанпарварлик мавзуида мустақиллик йилларида яратилган рангтасвир асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Экспозициядан таниқли ёзувчи ва жамоат арбобларининг портретлари ҳам ўрин олган.

**Ўз ахборотимиз.**

# СЕҲРЛИ ТУРНА

Эртак

Қадим замонларда бир камбағал йигит яшаган экан. У заминдор бойнинг даласида деҳқончилик қилиб кун кўраркан. Кунларнинг бирида у меҳнат қилаётган даланинг яқинига бир қуш қулаб тушибди. Бориб қараса қанотига камон ўқи теккан турна экан.

— Вой, ёмон бўлибди бечора қушга, — дея ёш йигит турнани ўз кулбасига олиб қайтибди. Жароҳатига малҳам қўйиб похол устидан жой қилиб берибди. Орадан бир неча кун ўтгач, турнанинг жароҳати битибди ва учадиган бўлибди.

— Яхши бўлиб қолдингми, турнавой? Бундан буён овчиларга ҳушёр бўлгин, — дебди йигитча. Турна икки-уч бора унинг боши узра ҳалқа қилиб айланиб, қанотларини кенг ёзганча самога парвоз қилибди.

Турна учиб кетган куни кечкурун ёш йигитнинг эшиги тақиллабди: Тақ, тақ, тақ...

Йигитча чиқиб қараса, эшик олдида жуда ҳам гўзал бир қиз турган эмиш.

— Адашиб қолдим. Уйингизда тунашга рухсат беринг! — илтимос қилибди қиз.

— Совуқда қолиб кетибсан-ку! Аввал, оловга исиниб ол. Тунасанг тунайвергинку-я, афсуски, кўрпатўшагим йўқ-да... — дебди йигитча.

— Ҳеч қиси йўқ. Похол устида ётавераман, — деб жавоб берибди қиз.



Эртаси куни эрталаб йигитча туриб қараса қиз аллақачон уйғонган экан. Йигитнинг димоғига гуруч ва сабзи, балиқ ва гўшт қўшиб тайёрланган ажойиб таомнинг ҳиди урилибди.

— Марҳамат, татиб кўринг, — таклиф қилибди қиз. Таомдан еб кўрган йигит "Бундай мазали овқатни ҳеч қачон емагандим" дея ўйлабди. Шу пайт қиз йигитга дебди:

— Жанобим, мени ўзингизга хотин қилиб олинг!

— Нима, нима?.. Бирон тайинли жойда ишламасам, ўз кунимни зўрға кўрсам... — жавоб қилибди йигитча.

— Унақада мен ишлайман. Омборингиздаги эски тикувчилик дастгоҳини ишлатишга рухсат берсангиз, бас, — дебди қиз.

— Яхши, яхши...

— Мен етти кун ичида бир мато тикаман. Шу кунлар мобайнида омбор ичига мўраламасангиз.

— Тушундим, мўраламайман, — ваъда берибди йигитча.

Тикув дастгоҳи ғир-ғир айланаверармиш. Йигит эса:

— Овқат ҳам емаяпти. Тузукмикан-а! Тинмай ишга берилиб кетиб, касал бўлиб қолса-чи. Воҳ, нима қилсам бўлар экан-а?! — дея хавотир олаверибди.

Ниҳоят етти кун ўтибди. Омборхонанинг эшиги очилиб, ичкаридан қалқиб-қалқиб қиз чиқиб келибди. У қўлида ушлаб турган матони йигит ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмаган экан.

— Жанобим, бу матони сотиб келинг, — дебди қиз.

— Қанчага сотсам бўлади? — деб сўрабди йигитча.

— Юз тиллага сотинг.

— Нима, юз тилла жуда ҳам қиммат-ку!? — ҳайратланибди йигитча.

— Ҳа, юз тиллага, албатта, сотасиз, — дебди қиз.

Йигитча шаҳарга бориб, катта кўчаларни кезиб, ўз матосини сотишга чоғланибди.

— Юз тиллага нақшли кимхоб. Кеп қолинг, сотаману кетаман.

Бироқ ҳеч ким унга эътибор қилмабди. Йигитча "Юз тилла деяётганим учун ҳеч ким жиддий қизиқмаяпти", деб ўйлаб турган экан, шу маҳал катта бойнинг ҳовлисидан бир эркак киши чиқиб келибди ва йигитга қараб дебди:

— Бизнинг хўжайинимиз юз пулга сотмоқчи бўлган кимхобингни бир кўрмоқчилар.

Йигит бойнинг олдига сотмоқчи бўлган матосини олиб кирибди. Бойга мато ёқиб қолибди ва юз тиллага уни сотиб олибди.

— Мана шунақа чиройли мато ва кимхоблардан қанча бўлса ҳам олиб келавер, — дебди бой.



Илк бор тиллани кўриб турган йигитча қувониб, бунинг устига ўғирлатиб қўйишдан қўрқиб, уйига тез етиб келибди. Йигитнинг қувончини кўрган қиз ҳам хурсанд бўлибди. Қишлоқнинг ёш йигитлари эса гўзал ва меҳнаткаш қизнинг таърифини эшитиб, уни кўришга кела бошлабдилар. Келганларни йигитча саке ва балиқ билан меҳмон қилибди. Бу орада қизнинг машаққатлари эвазига келган пул секин-аста камайиб бораверибди.

— Тилла камайиб бораётганидан хавотирдаман. Шу сабабли, яна битта ўшанақа нақшли матодан тикиб берсанг, бойга олиб бориб сотиб келардим, — дебди бир куни йигит.

— Нима? Ахир тангаларимиз ҳали бор-ку! — таажжубланибди қиз.

— Қишлоқ аҳолиси сўрамасдан, тўсатдан ҳам келаверади. Уларнинг олдига саке, гуруч нон, балиқ қўймаса бўлмайди. Шу сабабли тиллалар тугаб қолаяпти-да! — деб жавоб қилибди йигитча.

Қиз эса хафа бўлиб, бошини хам қилиб дебди:

— Майли, яна бир бора нақшли матодан тикиб бераман. Фақат биттагина. Бу сафар ҳам омборхона ичкарисига мўраламайсиз!

Шундай қилиб, омборхонадан яна тикувчилик дастгоҳининг тинмай айланаётган овози эшитила бошлабди.

— Юз тиллалик фойда олиб келадиган мато қандай тикилар экана? Қани, бир қараб кўрсаммикан?! Йўқ, ахир мен унга ваъда бердимку, — деб ўйлабди йигит. Аммо қизиқишлари устун келиб барибир омборхона ичкарисига мўралабди. Ва ҳайратдан донг қотибди:

— Нима?! Мато тикаётган қиз эмас, турнами?!

Ҳақиқатан ҳам матони турна тўқиётган эди. Турна ўз патларини юлиб олиб, уларни тикаётган экан. Унинг кўкрак патлари аллақачон юлиниб ориққина қиз танаси кўриниб турарди.

Шу пайт "ғийқ" этиб омборхона эшиги очилиб, ичкаридан қиз чиқиб келибди.

— Жанобим, сиздан шунчалик илтимос қилганимга ҳам қарамай, нега мўраладингиз? — дебди қиз йигитни кўриб. Бутунлай мадори қолмаган ва кўнгли ўксиган қиз сўзида давом этибди, — мен, сиз жонини сақлаб қолган ўша турнаман. Сиз менинг асл қиёфамни кўриб қўйдингиз ва шу сабабли энди сизнинг уйингизда қола олмайман.

— Бу менинг айбим эди. Кетма. Ҳеч бўлмаса, яна озгина, озгина қол! — ялинибди йигит.

Қиз бўлса хафа бўлиб, "йўқ" дея ишора қилибди ва турнага айланиб узоқ-узоқларга учиб кетибди.

**Япон тилидан**
**Нодирбек БЕРДИҚОБИЛОВ**
**таржимаси**

*Тошкент шаҳри.*

Хандалар

## Қуёш чиқибди

Она:

— Тур ўрнингдан, дангасавой, қара, қуёш чиқди, сен эса ҳали ҳам ётибсан.

Ўғил:

— Ҳа, аммо қуёш соат олтида ботади. Мен эса соат ўнда ётаман-ку.

## Ёрдам

Она:

— Нима қиляпсан, Билл?

— Ҳеч нарса.

— Сен-чи, Бен?

— Мен Биллга ёрдам беряпман.

## Жавоб

Пит мактабдан уйга келди ва деди:

— Мен бугун ўқитувчининг саволига тўғри жавоб бера олган ягона ўқувчиман!

— Жуда яхши. Ўқитувчи қандай савол берган эди?

— Синфхона деразасини ким синдирганини сўраганди, — деди Пит.

## Математика дарсида

Ўқитувчи:

— Аган, акангда бешта олма бўлса, сен улардан иккитасини олиб қўйсанг, натижа қандай бўлади?

— У мени уради.

## Маълумот

— Сен менга XVIII асрнинг буюк олимлари ҳақида айтиб бера оласанми?

— Албатта-да, уларнинг ҳаммаси ўлган.

**Инглиз тилидан Манзара ЭРКАБОЕВА таржимаси**

# ИЛК КИТОБЛАР ҚУВОНЧИ

Доимий ҳамроҳ







Болаликнинг гўзал, ҳайратли олами билан хўшлашиб, нозик ҳислар қуршовида ўспиринлик, балоғат ёшига кириб келишда қиёслаб бўлмас бир шавқ бор. Мабодо, бу шавқ эртаклару маталлардан куч олган сўз билан тўлишса, илк муҳаббатдан дастхат олган юракларга сўз кириб келса, бу ҳодиса, албатта, эзгулик фойдасига хизмат қилади. Ана шу сўз шеърга, нозик ҳикояларга, болаликни аллаловчи эртакларга дўнади, пайт келиб бу қораламалар китобга кўчади. Муҳими ҳам шу. Ушбу илк китоблар эса, миллат маънавияти асосларидан бири — адабиётимиз келажаги бўлиб бўй кўрсатади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ижод" фонди ташаббуси ва ҳомийлигида бир қанча ёш ижодкорларнинг илк китоблари чоп этилганидан кўпчилик хабардор.




Жумладан, "Биринчи китобим" рукнида нашр этилган сурхондарёлик Азиза Қудратованинг "Олтин тариқ" номли жажжи эртаклардан таркиб топган рангли, безакли китоби (муҳаррир — Муаззам Иброҳимова), фарғоналик Қобилжон Шерматовнинг "Қишлоқжоним" номли устоз шоир Анвар Обиджон сўзбошиси билан нашр этилган шеърлар китоби ҳамда қорақалпоғистонлик Меҳрибонгул Тожимуродованинг "Болаликнинг бир куни" номли ҳикоялар тўплами (қорақалпоқчадан Музаффар Аҳмад таржимаси) шулар сирасига киради. Ушбу нашрларнинг ҳар бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлими тавсиясига кўра нашр қилинган. Болалар адабиёти йўналишида тақдим этилган бу китоблар "Адиб" нашриётида 20000 нусхадан чоп этилган. Бу ҳам китоб муаллифларининг ўқувчилар олдидаги масъулиятини оширади. Ёш қаламкашларимизни илк китоблари билан қутлаймиз.

# КЎПКАРИ КЎПЛАР ТОМОШАСИ

## 16-18 декабр кунлари улоқ-кўпкари халқ ўйинлари спорти бўйича Ўзбекистон кубоги учун беллашувлар бўлиб ўтади.

**Улоқ-кўпкари ўйинлари халқимизнинг минг-минг йиллик ҳаёт тарзига чуқур сингиб кетган бебаҳо маънавий қадрият сифатида довруқ қозонган. У миллий спорт беллашувларининг энг қадимийси бўлиб, юртга меҳр, ватанпарварлик ва мардлик тимсолига айланган. Алпомишнинг Бойчиборию Гўрўғлининг Ғироти, соҳибқирон Амир Темурнинг Кўнўғлонию Жалолиддин Мангубердининг дарёлардан ҳатлаган учқур самани бежиз буюк саркардаю халқ қаҳрамонларига толмас қанот, садоқатли йўлдош сифатида мадҳ этилмайди. Моҳир чавандозларнинг қорабайир отлари ҳам соҳибининг неЧоғли баҳодирлигини намоён эта оладиган даражада боқиб-парваришланган, кўпкарига ўргатилган.**

Улоқ-кўпкарида от чоптириб, донг таратган чавандозларнинг аксарияти елкаси ер кўрмаган моҳир курашчиларга менгзатилиб, полвон дея шарафланган. Масалан, Молгузартоғ ёнбағирларидаги Кўрпасой қишлоғида камол топган жиззахлик Босим полвон Муродқосимов, бахмаллик Холбўта полвон, зоминлик Султонхон полвон ва бошқа юзлаб чавандозлар полвонлик шарафини, она юрт шарафини ҳимоя қилишни ўзларининг йигитлик ори, деб билишган. Ёхуд от минмаган йигитга қизлар қарамайди, деган нақллар ҳам бежиз тўқилмаган.

Шўролар даврида халқимизнинг жуда кўплаб миллий спорт ўйинлари каби миллий кураш ва улоқ-кўпкарига доир бебаҳо қадриятларимиз унутилиб, оммавий спорт турлари сафига киритилмасдан келганди. Истиқлол шарофати билан ўзбек кураши бугунги кунда жаҳон спорт ареналаридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Эндиликда улоқ-кўпкари беллашувларига доир анъаналаримиз ҳам қайта тикланиб, таомилга кириб, оммавий спорт беллашувларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистон от спорти ҳамда улоқ-кўпкари федерацияларининг тузилгани, вилоят ва туманларимизда ҳам уларнинг бўлимлари ўз фаолиятини йўлга қўя бошлагани халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг узвий давомидир.

Улоқ-кўпкари ўйинлари бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар ташкил этилаётгани муносабати билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси раиси Жўрақўзи Турдиматов федерация ўтган даврда амалга оширган ишлар ҳамда республика кубоги учун бўладиган беллашувнинг кун тартиби ҳақида ахборот берди. 16-18 декабр кунлари Тошкент вилоятининг Пискент тумани автодромида ўтказиладиган мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари чавандозлари ўз жамоалари билан иштирок этади. 16 декабр куни қуръа ташланиб, мусобақаларга старт берилади. 17 декабр куни байрам оши берилиб, улоқ-кўпкари мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Мамлакатимиз моҳир чавандозларини таниқли хонандалар ўзларининг куй-қўшиқлари билан кутлайдилар. 18 декабр куни эса ярим финал ва финал мусобақалари ҳамда оммавий улоқ-кўпкари ўйинлари бўлиб ўтади.



Бош ғолиб мамлакат кубогини қўлга киритса, фахрли ўринларни эгаллаган номдор чавандозларни диплом ва ёрлиқлар, Тошкент вилояти ҳамда Пискент тумани ҳокимликларининг совринлари кутмоқда.

Улоқ-кўпкари ўйинларини кенг оммалаштириш келгусида уни олимпия спорт ўйинлари беллашувларига киритишга асос бўлади. Шу муносабат билан таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пойтахт марказий отчопарини ишга тушириш, Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан келаётган йилнинг 14-15 январида моҳир чавандоз Босим полвон Муродқосимов хотирасига бағишлаб улоқ-кўпкари бўйича хотира турнири ўтказиш, барча вилоятларимизда федерация ишларини жонлантириш ва ушбу халқ ўйинларини ривожлантиришга доир оммавий тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Улоқ-кўпкари федерацияси фаоллари Э.Афзалов, Ж.Мирзааҳмедова, республика от спорти мактаби директори М.Абдуназаров, журналистлар Т.Низаев, Ш.Убайдуллаев, Ў.Пўлатов ва бошқалар миллий улоқ-кўпкари тарихи ва уни кенг оммалаштириш, ҳакамлик анъаналари, ўйинларда хавфсизлик ва интизомга риоя этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва бу борада вилоятлардаги айрим муаммолар юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

# ҚАНДАЙ ҲАММОМ АФЗАЛ?

Соғлиғинг — бойлигинг

✔ Япон ҳаммоми офуро деб аталувчи катта ёғоч бочкадан иборат бўлиб, у сув тўлдирилган ҳолда махсус печка устига қўйилади. Бочка ичида ўтирадиган жойи бор. Сувнинг ҳарорати 45-50 даража, унинг юзаси юракдан сал пастроқ бўлиши керак. Офурадан чиқилгач, бадан қуруқ қилиб артилади ва сочиқ матоли тўнга ўраниб, тер қолмагунча бир соат ўриндиқда ётиб, дам олинади. Сўнг чой ичиш тадбири бошланади.

Японлар офура модда алмашинувини фаоллаштириб, ортиқча вазн, бўғим оғриқларидан халос этади ва буйраклар ишини яхшилаб, терини тозалайди, деб ҳисоблашади. Юрак оғриғининг барча босқичларида офурага тушиш тавсия қилинмайди. Энди ўргана бошлаганларга офурада 5-7 дақиқа бўлиш тавсия этилади.

✔ Рус ҳаммомида ҳарорат 70-90 даража атрофида, ҳавонинг намлиги 40-70 фоиз бўлади. Ҳаммом печка ва унинг устига териб қўйилган тошлар ёрдамида исувчи буғхонадан иборат. Танани қиздирувчи ва биокимёвий таъсир этувчи супургисимон массаж воситаси бу ҳаммомнинг зарур шарти. У бронхит, тонзилит, нафас қисиш, ринит, полиартрит, подагра, бел оғриғи, буйрак ва ўт қопи хасталикларида яхши муолажа бўлади.

Бронхиал астма хуружи, ҳомиладорлик пайти, ўткир юқумли касалликларга чалинганда, эпилепсия, ички аъзолар шамоллаганда, стенокардиянинг оғир шаклларида тавсия қилинмайди. Шунингдек, буғхонага ҳар бир тушиб чиқиш 5-8 дақиқадан ошмаслиги керак.

✔ Фин саунасида ҳарорат 100-120 даражагача исийди, намлик эса 10-30 фоиз атрофида бўлади. Тузилиши рус ҳаммомига ўхшаса ҳам, қуруқ ҳаво ҳароратни юз даражагача кўтариш имконини беради, шу боисдан тана тез қизийди. Тери касалликлари, цистит, артроз, сурункали шамоллаш, буйракда майда тошчалар ҳосил бўлганда ва жигар хасталикларида фин саунасига тушиш фойдали.

Қон босими ошганда, юқори нафас йўллари касалликларида, қандли диабетнинг оғир шакллари ва буйракнинг сурункали хасталикларида тавсия қилинмайди. Ҳар гал сауна буғхонасида бўлиш вақти 5-10 дақиқадан ошмаслиги керак.

✔ Шарқ ҳаммомида ҳарорат 40-50 даражадан ошмайди, намлик эса 80-100 фоиз бўлади. У 28-34 даража иссиқ бўлган кийим ечиш жойи, 70 даражагача қизийдиган тош ёки мармар супачали хоналардан иборат. Уларда қаттиқ уқаловчи воситалардан фойдаланиш, массаж олиш ҳамда совуқ сувда чайиниш мумкин. Ҳаммомдан чиқишда ҳовузга тушилади ва кейин дам олинади.

Шарқ ҳаммоми остеохандроз, артроз, нейродермит, дерматоз, экзема, модда алмашинуви бузилиши, невроз хасталигида яхши муолажа бўлади. Ҳаммомнинг қизийдиган супачали хоналарида 10-30 дақиқа бўлиш тавсия қилинади. Уларда ҳарорат мўътадиллиги туфайли барча тоифадаги одамлар — болалар, ҳомиладор аёллар ва кекса кишилар тушиши учун ҳам қулай. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино эпилепсия, бош оғриғи, қулоғида шовқин ва шанғиллаши борлар, жигар тиқилмаларидан азият чекувчи кишиларга ҳаммомга тушишни тавсия этмаган. Шифокорлар юрак-қон томир хасталиги борлар ва қон босими ошиб юрувчи кишиларга ҳаммомга тушишдан олдин врач билан маслаҳатлашишни тавсия этишади.

✔ Ҳаммом ёки сауна буғхонасига тушиш косметик жиҳатдан терига ажойиб таъсир кўрсатади, — дейди пластик жарроҳлик ва косметология бўйича тиббиёт фанлари доктори А.Стенко. — Иссиқ буғ терининг майда найчаларини очиб, турли ёғлар ва ўлик эпидермис чиқитларидан халос бўлишга ёрдам беради. Буғ таъсирида ёғ безлари найчаларида қотиб қолган тиқилмалар очилади, терининг қон билан таъминланиши ва модда алмашинуви яхшиланади. Бу тери ранги тозариб, ялтиллашини таъминлайди, қон томирчаларини мустаҳкамлаб, майда ажинларни йўқотади. Тозаланган тери косметик воситаларни яхши сингдиради.

✔ Япон олимлари фикрига кўра, ҳароратнинг ошишига бош мия сезгирлик билан жавоб беради. Ҳаммом ва сауна инсоннинг ҳаётга ва ўз кучига ишонч билан қарашини кучайтиради. Тояма университети олимлари ўтказган тадқиқотда мунтазам ҳаммомга тушиб турувчи кишиларнинг юрак фаолияти яхшиланиши ҳамда интеллектуал ва жисмоний меҳнат қобилияти ошиши аниқланган.

Ҳаммом кайфиятни кўтариб, руҳиятни мустаҳкамлайди, эришилган ютуқларни қадрлашга ўргатади. Бу бош миядаги юқори ҳароратга сезувчанлик туфайли рўй беради. Яъни, иссиқ ҳароратда тананинг совушга эҳтиёжи ошиши боис, организм бош миянинг кайфият ва сезгиларга масъул қисмларида кечадиган биокимёвий жараёнларни фаоллаштиради, деб ҳисоблайди япон олимлари.

# КЎКРАК САРАТОНИ ШИФОСИ

Новгородлик профессор В.Черенков кўкрак ўсмасига қарши курашнинг самарали усулини кашф этгани учун "Европанинг 2011 йилги энг яхши врачи" унвони билан тақдирланди. Аёллар сут бези ўсмаси саратон хасталиклари ичида энг юқори ўринни эгаллаб, ҳар олти аёлдан бири умри давомида шу хасталикка чалинади. Даволашнинг анъанавий усуллари — ўсмани олиб ташлаш (кўпинча бутун кўкрак билан) жуда кам ҳоллардагина саратондан бутунлай қутулишга имкон беради. Бутун дунё олимлари бу борада янада самарали муолажа усулларини топиш устида бош қотиришмоқда. Яратилаётган янги усуллар ҳақидаги маълумотлар мунтазам эълон қилинаётганига қарамай, уларнинг баъзи бирлари такомиллашмаган бўлса, айримлари, очиғини айтганда, хавфли ҳам. Нечоғли ғалати бўлмасин, айнан хавфли муолажа, деб ҳисобланган усул В.Черенков кашфиётига асос бўлди.

— Бир неча йил муқаддам биз сут безлари ўсмасини аниқлаш ва даволаш бўйича америкаликлар яратган қурилмани синовдан ўтказдик, — дейди В.Черенков. — Унинг баҳоси тўрт миллион рублдан қиммат туради. Бу аппарат кўкрак безидаги ўсмани вакуум ёрдамида тортиб олади. Бироқ анчадан кейин маълум бўлдики, муолажадан сўнг кўкрак безида саратон тўқималари қоларкан ва улар вақт ўтиб, бутун танага ёйиларкан.

В.Черенков яратган усулда эса кўкракнинг ўсма билан шикастланган сиртидан шарикли ручка катталигидаги минус юз даража совутилган махсус криозонд киритилади. У ўсмани муз шарча шаклига келтиради ва сўнг бирга тортиб олинади. Бу қурилманинг афзаллиги шундаки, у метастазлар муаммосини тўла ҳал қилади, касаллик қўзғайдиган бирорта тўқима қолмайди.

Бу усулнинг афзал жиҳати шундаки, жарроҳлик амалини амбулатория шароитида ҳам, оғриқ қолдирувчи воситаларни қўллаб бемалол амалга ошириш мумкин. Муолажа техник жиҳатдан соддалиги туфайли уни ҳатто энди иш бошлаган жарроҳ ҳам бажара олади. Россия онкология илмий марказида бир ярим йил мобайнида ўтказилган синовлар натижаси буни тасдиқлади. Янгилик хориж мутахассисларини ҳам қизиқтиргани боис муаллиф Ганновердаги XI Халқаро тиббиёт конгрессига таклиф этилди ва Европа илмий жамияти президиумининг "Йилнинг энг яхши врачи" унвонига сазовор бўлди.

— Бемор ҳаётини енгиллатадиган гениал кашфиётлар ўз юртимизда ўн йиллаб чанг босиб ётади, — дейди В.Черенков. — Муаллифлар уларни ҳаётга татбиқ этиш учун вазирликлар эшигида йиллаб сарсон бўлишади.

Бироқ янги тиббий ускуна хасталикнинг илк даврларида — ўсма катталиги 2,5-3 сантиметрдан ошмаган ҳолларда самарали. Бу даврда камдан-кам бемор шифокорга мурожаат қилади.

— Кўкрак саратони ниҳоятда хатарли — дея огоҳлантиради В.Черенков. — Ундаги энг ашаддий ўсма ҳам бирор белги бермасдан организмда 3-5 йил давомида етилиб боради. Кўпинча аёллар сут безлари шишганда онколог ҳузурига келишади, ҳолбуки бу одатда ҳайз даври арафасида бўладиган мастопатия белгиси. Саратоннинг асосий белгиси эса, бундай шикоятларнинг йўқлиги ҳисобланади. Шу сабабли ҳар гал ҳайз даври арафасида кўкрак оғриб, сўнг шу давр такрорланганда бирданига оғримай қолиши — бу, тезда онкологга мурожаат этиш учун жиддий сабабдир. Қирқ ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча аёлларни ёппасига скрининг текширувидан ўтказиш сут безлари ўсмасини аниқлашга доир вазиятни тубдан ўзгартириши мумкин. АҚШда шу тадбир қўлланилганидан сўнг саратон ўсмасининг айнан шу туридан ўлиш ҳоллари бирданига 30 фоиз камайган.

*"АиФ"нинг 49-сонидан.*

Газетанинг навбатдаги сони 30 декабр куни чиқади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4415 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН